- 6 МАР 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 56 (20. 623) • 1990 йил 7 март, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

БАҲОРГИ ҲАРАКАТ—КУЗГИ БАРАКАТ

Бу нақлга амал қилган ишбилармон киши-лар кузда ер чизиб қолмайдилар. Шу боисдан ҳам тадбиркор деҳқонлар кўкламнинг дастлабки кунларидаёқ барча техника воситаларини, ариқ-зовурларни мавсумга шайлаб қўйишди. Хотин-қизларнинг халқаро байрами арафасида келган хатларда ана шу мавзуда қалам тебратилади.

◆ **НАМАНГАН**

Задарё районидаги «Гигант» колхози пахтакорлари шўр ювиш, дала четларига ўғит ташиб чиқариш, ариқ-зовурларни тартибга солиш борасидаги юмушларни тезкорлик билан амалга оширишди. Техника воситаларини шайлаш борасида ҳам муайян ютуқларга эришилди. Жумладан 37 та ҳайдов, 52 чопиқ трактори, 52 культиватор, 144 та борона, 5 та тирма ва бошқа техникалар аллақачон созлаб қўйилганди. Бу борада М. Усмонов, А. Тошпўлатов, Э. Қўнғиров, Н. Бегмонов ва бошқа слесарлар самарали меҳнат қилишди.

Т. ТОШПЎЛАТОВ.

◆ **ФАРҒОНА**

Қува районидаги «Москва» колхози пахтакорлари ўтган йили пахта тайёрлашда катта ютуқларга эришишганди. Уларнинг ниятн — янги мавсумда ютуқларни мустаҳкамлаш. Шу сабабли техника воситалари мавсумга шайлаб қўйилди. Бу ишда Ж. Маллабоев, Ҳ. Аҳмедов, Й. Сатторов, Ш. Зокиров ва бошқалар кўпчиликка ибрат бўлишди.

С. РУСТАМОВ.

◆ **БУХОРО**

Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозининг Жўра Сафаров бошлиқ бригадаси коллективи экишга пухта ҳозирлик кўрмоқда. Экин майдонларига ҳосил хамиртуриши — маҳаллий ўғит чиқариш авжида. Ҳар куни 10-15 тоннадан нури ташиб келтириляпти. Бригада аъзолари бу йил ҳар гектар майдондан 40 центнердан ҳосил кўтариш учун кураш бошлашди. Айни пайтда 2 гектар ерда тутзор, 3 гектар майдонда боғ-роғлар барпо этишга ҳаракат қилишмоқда.

А. АҲАДОВ.

◆ **СИРДАРЁ**

Сирдарё районидаги «Правда» колхози пахтакорлари бултур 10 йиллик қолоқлик доғини ювиб, дастлабки зафарни қучганди. Энди улар бу ютуқни мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилишмоқда. Шу мақсадда мавжуд 28 та культиватор, 25 та ишлов трактори, 11 та сеялка, 202 та борона ва бошқа техника воситаларини экишга созлаб қўйишди. Т. Эгамов, С. Худойқулов, Р. Отабоев, М. Зиёев сингари тажрибали механизатор ва слесарлар мусобақада пешқадам.

А. БУРЛИЕВ.

СССР Олий Советининг қарори

ССР ИТТИФОҚИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН АСОСЛАРИНИ КУЧГА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети қарор қилади:

1. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Ер тўғрисидаги Қонун Асослари 1990 йилнинг 15 мартидан, Асосларнинг 12-моддаси эса 1991 йил 1 январидан кучга киритилсин.

2. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ерга оид қонунлари ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Ер тўғрисидаги Қонун Асосларига мувофиқлаштириб олингунга қадар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилаверади, чунки улар Асосларга зид эмас.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Ер тўғрисидаги Қонун Асослари мазкур Асослар кучга киритилгандан кейин, яъни 1990 йил 15 мартдан сўнг вужудга келган қонуний муносабатларга нисбатан қўлланилади, Асосларнинг 12-моддасида кўзда тутилган қонуний муносабатлар бундан мустаснодир, мазкур қонуний муносабатларга нисбатан бу модда 1991 йил 1 январдан бошлаб қўлланилади.

1990 йилнинг 15 мартигача вужудга келган ерга оид қонуний муносабатларга (ер солиғи ва ижара ҳақига оид қонуний муносабатларга нисбатан эса 1991 йил 1 январгача) ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Ер тўғрисидаги Қонун Асослари Асослар кучга киритилгандан кейин вужудга келган ҳуқуқларга ва вазифаларга нисбатан қўлланилади.

3. Белгилаб қўйилсинки:

ер участкалари бериш тўғрисидаги 1990 йилнинг 15 мартигача тегишли органлар томонидан ўз ҳуқуқ доирасида қабул қилинган, аммо ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Ер тўғрисидаги Қонун Асослари кучга кирган пайтгача ижро этилмаган қарорлар Асосларнинг талабларига мувофиқ ижро этилиши лозим;

қишлоқ хўжалик корхоналарининг ходимлари бўлмаган гражданлар, шунингдек ер участкаларидан вақтинча фойдаланаётган ҳуқуқий шахслар (бу ер участкалари уларга қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан 1990 йил 15 мартгача берилган бўлса) улар ерга эгалик ёки ердан фойдаланиш ҳуқуқларини расмийлаштиргунича ўз ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Асосларнинг 9-моддаси 9-бандида кўзда тутилган муддат Асослар кучга киритилган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

4. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари:

иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларини ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Ер тўғрисидаги Қонун Асосларига мувофиқлаштириб олсинлар;

ерга эгалик қилиш ҳуқуқини ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган давлат ҳужжатининг намунасини, ерларни бериш ва тортиб олиш тартибини ишлаб чиқсинлар, шунингдек ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланиш ҳуқуқларини расмийлаштиришнинг аниқ муддатларини кўзда тутсинлар;

ерга оид муносабатларни ўзгартириш давомида қишлоқ хўжалигини устун даражада ривожлантириш, хўжалик юритиш шаклларини эркин танлаб олиш, ишларни босқичма-босқич ўтказиш, ижтимоий-иқтисодий ва экологик оқибатларни имкони борича тўлиқ ҳисобга олиш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш тадбирларининг бутун мажмуаси билан мустаҳкам ўзаро алоқа зарурлигига асосланиб иш тутсинлар.

5. СССР Министрлар Советига топширилсин:

1990 йил 1 октябригача:

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Ер тўғрисидаги Қонун Асосларидан келиб чиқиб, ССР Иттифоқининг амалдаги қонун ҳужжатларини ўзгартириш ва уларга қўшимчалар киритишга оид таклифларни СССР Олий Советига тақдим этиш;

СССР ҳукуматининг қарорларини ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Ер тўғрисидаги Қонун Асосларига мувофиқлаштириб олиш;

СССР министрликлари, давлат комитетлари ва идораларининг Асосларга зид келадиган норматив ҳужжатлари қайта кўриб чиқилишини ва бекор қилинишини таъминлаш;

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Ер тўғрисидаги Қонун Асосларини амалга оширишга қаратилган тадбирлар мажмуасини 1990 йилнинг 1 августигача амалга ошириш ва бу тадбирларда:

фойдаланилмаётган ва нооқилона фойдаланилаётган ерларни мунтазам равишда аниқлашни;

ер учун ҳақ тўлаш қоидаларини белгилашни;

ер тузилиши асосий низомларини, ер кадастри ва ер мониторингини юритиш тартибини тасдиқлашни;

ер мониторингини, ер кадастрини, ер тузилишини идоралараро асосда юритишни таъминлайдиган янги давлат идораларини тузиш ёки ишлаб турган давлат идораларини мустаҳкамлашни, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини;

деҳқончилик хўжаликларини қўллаб-қувватлашнинг махсус дастурини кўзда тутишни таъминлаш.

Ўн учинчи беш йиллик плани лойиҳасида ерда хўжалик юритишнинг ҳамма шаклларини ривожлантириш учун тенг имкониятлар яратиш тадбирлари кўзда тутилсин.

6. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг 1968 йил 13 декабрдаги СССР Қонуни билан тасдиқланган Ер тўғрисидаги Қонун Асослари (СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1968 йил, 51-сон, 485-модда; 1977 йил, 38-сон, 567-модда; 1977 йил, 51-сон, 771-модда; 1980 йил, 3-сон, 42-модда; 1981 йил, 3-сон, 75-модда; 1984 йил, 24-сон, 422-модда; 1987 йил, 32-сон, 514-модда) 1990 йил 15 мартдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин, 1991 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисобланадиган 8-модда (СССР Олий Совети Президиумининг 1987 йил 2 декабрдаги Фармони таҳририда — СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1987 йил, 49-сон, 791-модда) бундан мустаснодир.

7. СССР Олий Советининг Аграр масалалар ва озиқ-овқат комитетига, СССР Олий Советининг Экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари комитетига ҳамда ССР Олий Советининг Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетига ушбу қарорда кўзда тутилган тадбирлар қандай амалга оширилаётганлигини назорат қилиб туришни таъминлаш ва зарурат бўлган тақдирда СССР Олий Советига тегишли таклифлар киритиш топширилсин.

СССР Олий Советининг Раиси
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль
1990 йил 28 февраль.

ДАЛАЛАРДА КЎКЛАМ НАФАСИ





ИШБИЛАРМОНЛАР

Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз далаларида баҳорги ишлар авжида. Чунки сабзавот экинларининг тезроқ етилиши шаҳарликларга ҳам, деҳқонларнинг ўзларига ҳам фойдали. Кейинги пайтларда хўжалик далалари анча қисқарди. Кўп майдонларни шаҳар эгаллади. Анчагина кўп қаватли уйлар бунёд этилди. Шунга қарамай миришкорлар ҳосилдорликни ошириш ҳисобига оладиган даромадларини камайтирмаяптилар.

Айни кунларда плёнка остида эртаки карам, саримсоқ пиёз, сабзи ва бошқа сабзавот маҳсулотлари етилмоқда. Барча турдаги экинлар яхши ривожланмоқда. Деҳқонлар табиатдан инъом-эҳсон кутиб ўтирмайдилар. Балки меҳнатсеварлик, тажрибакорлик ва ишбилармонлик билан ўзлари учун қулайлик яратадилар. Меҳнатни ташкил этишнинг илғор усули оилавий пудрат кўп жиҳатдан бунга имкон бермоқда. Ҳосилдорлик, меҳнат унумдорлиги жиҳатидан колхоз жумҳуриятимизда юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Хўжаликда яқиндагина фойдаланишга топширилган холодильникда кўплаб витаминли маҳсулотлар сақланмоқда. Қиш пайтида улар эл дастурхонига етказиб берилаётир. Бу ўз-ўзидан колхоз кассасига каттагина даромад келтирмоқда.

Суратларда: оилавий звено бошлиғи И. Саримсоқова; плёнкалар остидаги дала.

Л. ГУСЕИНОВ суратлари.

ССР ИТТИФОҚИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН АСОСЛАРИ

Ушбу Асослар ер муносабатларини тартибга солади ҳамда ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш, табиий муҳитни сақлаб қолиш ва яхшилаш учун, хўжалик юритиш барча шаклларини тенг ҳуқуқли ривожлантириш учун шароит яратишга қаратилган.

I бўлим.

Умумий қоидалар

1-модда. **ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Ер тўғрисидаги Қонунлари**

СССРда ерга оид муносабатлар ушбу Асослар билан ҳамда ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар шу Асосларга биноан чиқарган қонунлар билан тартибга солиб турилади.

Тоғ, ўрмон ва сувга муносабатлар, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсидан, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилишга оид муносабатлар ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг махсус қонунлари билан тартибга солинади.

2-модда. **СССР ерларининг таркиби**

СССРнинг барча ерлари қайси мақсадга мўлжалланганлигига қараб қуйидагича бўлинади:

1) қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерлар;

2) аҳоли пунктлари (шаҳарлар, шаҳар типидаги қўрғонлар ва қишлоқ аҳоли пунктлари)нинг ерлари;

3) саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ерлари ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;

4) табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, дам олиш ва тарихий-маданий мақсадларга мўлжалланган ерлар;

5) ўрмон фондининг ерлари;

6) сув фондининг ерлари;

7) заҳира ерлар.

Оз сонли халқлар ва этник гуруҳлар яшайдиган ҳамда хўжалик фаолияти билан шуғулланадиган жойларда иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунлари билан кўрсатилган категориялардаги ерлардан фойдаланишнинг алоҳида режими белгилаб қўйилиши мумкин.

3-модда. **Ер — халқ мулки**

Ер муайян территорияда истиқомат қилувчи халқларнинг мулкидир.

СССРнинг ҳар бир граждани ер участкасига эга бўлишга ҳақлидир, ер участкасини бериш шартлари ва тартиби ушбу Асослар билан, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунлари билан белгиланади.

4-модда. **Халқ депутатлари Советларининг ерни тасарруф қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Халқ депутатлари Советлари ер участкаларини СССР гражданларига, колхозларга, совхозларга ҳамда бошқа давлат, кооператив, жамоат корхоналарига, муассасаларга ва ташкилотларга, қонунларда белгиланган ҳолларда эса бошқа ташкилот ва шахсларга ҳам фойдаланиш ва эгалик қилиш учун берадилар.

Халқ депутатлари Советлари ер участкаларини ушбу Асосларга, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларига мувофиқ тортиб оладилар.

Оз сонли халқлар ва этник гуруҳлар истиқомат қиладиган ва хўжалик фаолияти билан шуғулланадиган жойларда ерларни хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун бериш ва уларни тортиб олиш тегишли халқ депутатлари Советларининг розилиги билан шу халқлар ва этник гуруҳлар ўртасидаги муҳокама натижаларига қараб ўтказилиши мумкин.

5-модда. **Ерга эгалик қилиш**

Ушбу Асосларнинг 20-моддасида кўзда тутилган эҳтиёжлар учун ер СССР гражданларига мероса қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун берилади.

Бериб қўйиладиган ер участкаларининг энг кўп миқдорлари иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунлари билан белгиланади.

Ер қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини юритиш учун колхозларга, совхозларга, бошқа давлат, кооператив, жамоат корхоналарига, муассасалар ва ташкилотларга, диний ташкилотларга доимий эгалик қилиш учун берилади.

6-модда. **Ердан фойдаланиш**

Доимий ёки вақтинчалик фойдаланиш учун ер:

ушбу Асосларнинг 21, 22-моддаларида кўрсатилган мақсадлар учун СССР гражданларига;

саноат, транспорт корхоналарига ҳамда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган бошқа давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига;

мудофаа эҳтиёжлари учун ушбу Асосларнинг 31-моддасида кўрсатилган ташкилотларга;

диний ташкилотларга;

қўшма корхоналарга, халқаро бирлашмаларга ҳамда совет ва ажнабий ҳуқуқий шахслар иштирокидаги ташкилотларга берилади. Ердан вақтинчалик фойдаланиш муддатлари иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунлари билан белгиланади.

ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида кўзда тутилган ҳолларда ер фойдаланиш учун бошқа ташкилотларга ва шахсларга берилади.

7-модда. **Ерни ижарага олиш**

Ер СССР гражданларига, колхозларга, совхозларга ҳамда бошқа давлат, кооператив, жамоат корхоналарига, муассасалар ва ташкилотларга, қўшма корхоналарга, халқаро бирлашмаларга ҳамда совет ва ажнабий ҳуқуқий шахслар иштирокидаги ташкилотларга, шунингдек чет давлатларга, халқаро ташкилотларга, ажнабий ҳуқуқий шахсларга ва гражданларга ижара шартлари билан вақтинчалик фойдаланиш учун берилади.

Халқ депутатларининг тегишли Советлари ерни ижарага берувчилардир.

Ижара шартлари томонларнинг келишувига биноан белгиланади ва шартномада мустаҳкамланади. Ижарачи ерни ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин шартномани янгилаш учун устун ҳуқуққа эгадир.

Қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ижарага олинган ер участкалари томонларнинг келишувига биноан ижарачининг эгалик қилиши учун берилиши мумкин.

Колхозлар, совхозлар, бошқа давлат ва кооператив қишлоқ хўжалиги корхоналари ерни ички хўжалик ер тузилиши тартибида айрим ходимларга ва ижарачи коллективларга бириктириб қўйишлари мумкин.

Ерни ижарага беришга оид муносабатлар ушбу Асослар билан, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ижара тўғрисидаги қонун асослари, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунлари билан тартибга солиб турилади.

8-модда. **Ерларнинг бериб қўйилиши**

Ер участкаларини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш ажратиб бериш тартибида амалга оширилади.

Эгаликдаги ёки фойдаланишдаги ер участкасини бошқа ер эгасига ёки ердан фойдаланувчига бериш фақат шу участкани мазкур қонун Асосларининг 11, 24-моддаларида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун яроқли ерлар аввало қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун берилиши керак.

Ерга эгалик қилиш ҳуқуқи ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Давлат ҳужжатининг шакли, уни рўйхатдан ўтказиш ва бериш тартиби иттифоқдош республикаларнинг қонунлари билан белгиланади. Ерни ижарага олиш хусусидаги ҳужжатлар ҳамда ердан вақтинчалик фойдаланиш хусусидаги бошқа ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш шакли ва тартиби иттифоқдош ҳамда автоном республикаларнинг қонунлари билан белгиланади.

9-модда. **Ерга эгалик қилиш ҳуқуқини ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиш**

Халқ депутатлари Совети қуйидаги ҳолатларда барча ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқини ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб қўяди:

1) ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда;

2) ер участкаси берилган муддат тугаганда;

3) корхона, муассаса, ташкилот, деҳқончилик хўжалигининг фаолияти тўхтаганида;

4) ердан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида;

5) хизматда фойдаланиш учун ер бериб қўйишга асос бўлган меҳнат муносабатлари тўхтатилганида, агар ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса;

6) ер участкасидан нооқилона фойдаланилган тақдирда, бу нарса қишлоқ хўжалиги мақсадларига аталган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланади;

7) ер участкасидан тупроқ ҳосилдорлиги пасайишига, унинг химиявий ва радиоактив булғанишига, экологня вазияти ёмонлашувига олиб борадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда;

8) иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида белгиланган муддатлар мобайнида ер солиғини, шунингдек ижара шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи узлуксиз тўланмаганида;

9) қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил давомида ва нооқилоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун берилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида;

10) ушбу Асосларда кўзда тутилган ҳолатларда ерлар тортиб олинганида.

Ушбу модданинг 6 ва 9-бандлари деҳқончилик хўжалиги юритаётган гражданларнинг ер участкаси бериб қўйилган пайтдан бошлаб уч йил мобайнида ерга эгалик қилиш ҳуқуқига нисбатан жорий этилмайди.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ижара тўғрисидаги қонун асосларида кўзда тутилган ҳолатларда ерни ижарага бериш тўғрисидаги шартнома бекор қилинган тақдирда ҳам ижарага олинган ердан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилади.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида ерга эгалик қилиш ҳуқуқини, ердан фойдаланиш ва ерни ижарага олиш ҳуқуқини тўхтатишнинг бошқа ҳолатлари ҳам кўзда тутилиши мумкин.

10-модда. **Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқининг ва ундан фойдаланиш ҳуқуқининг ўтиши**

Иморат ва иншоотларга мулкчилик ҳуқуқи ўтган тақдирда шу объектлар билан биргаликда ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқи ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида белгиланган тартибда ва шартлар билан ўтади.

11-модда. **Ерларнинг тортиб олиниши**

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ерлар халқ депутатлари тегишли Советининг қарорига биноан ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида белгиланган тартибда ер эгасининг розилиги билан ёки ер эгаси билан келишилиб, тортиб олинади.

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг нооқилоқ хўжалик эҳтиёжлари учун тортиб олинишига иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларига биноан фавқулодда ҳолатлардагина йўл қўйилади.

Ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи розн бўлмаган тақдирда халқ депутатлари Советининг қарори хусусида судга шикоят қилиш мумкин.

(Давоми иккинчи бетда).

ССР ИТТИФОҚИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН АСОСЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Муайян регион учун кадастр баҳоси даражасига мувофиқ белгиланган алоҳида қимматбаҳо серҳосил ерларнинг, шунингдек алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ва тарих-маданият объектлари ишғол қилиб турган ерларнинг тортиб олинишига йўл қўйилмайди. Бундай ерларнинг рўйхати иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида белгилаб қўйилади.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун шаҳар атрофи ва кўкаламзор зоналарнинг, илмий-тадқиқот муассасалари ва ўқув юртлари тажриба далаларининг, биринчи гуруҳга мансуб ўрмонларнинг ерларини тортиб олишга иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида кўзда тутилган тартибда фавқулодда ҳолатлардагина йўл қўйилади.

Ер участкаларининг тортиб олинишидан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар лойиҳалаш ишлари бошлангунча объект қуриладиган жойни, участканинг тахминий ҳажми ва уни ажратиш шартларини ер эгалари ва бу ердан фойдаланувчилар, шунингдек халқ депутатлари маҳаллий Советлари билан территорияни комплекс ривожлантиришни таъминлашни эътиборга олиб, олдиндан келишиб олишлари шарт. Олдиндан келишиб олмасдан туриб лойиҳа ишларининг пул билан таъминланишига йўл қўйилмайди.

Колхозлардан, совхозлардан, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналаридан ерларни СССР гражданларига ва қишлоқ хўжалик кооперативларига бериш учун халқ депутатлари район, шаҳар Советлари ушбу Асосларда, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида белгиланган ҳолатларда ва тартибда тортиб оладилар.

12-модда. **Ер солиғи ва ер учун ижара ҳақи**

СССРда ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш учун ҳақ тўланади. Ер учун ҳақ ер солиғи ёки ижара ҳақи шаклларида олинади, бу шакллар ер участкасининг сифатига ва жойланишига қараб белгиланади.

Солиқ солиш тартиби ва миқдори иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида белгиланади. Ижарачи ижара ҳақи тўлайди, унинг миқдори томонларнинг келишувига биноан иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида белгиланган тартибда ва меъёрда тайинланади.

Ўрмон фондининг ерлари учун ҳақ ўрмонлардан фойдаланганлик учун ҳақ тартибида ундириб олинади.

Ер учун тўловлар халқ депутатлари маҳаллий Советларининг бюджетларига тушади, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг бюджетларида қисман марказлаштирилиши мумкин ва аввало, ерларни муҳофаза қилишга, уларнинг сифатини яхшилашга, ер эгаларини ва ердан фойдаланувчиларни, шу жумладан, ижарачиларни шу тадбирларни амалга оширганлик учун моддий рағбатлантиришга, шунингдек ер тузилишига ва территориянинг ижтимоий ривожланишига сарфланади.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида ер учун ҳақ олиш соҳасидаги имтиёзлар: муайян муддатга бутунлай ёки қисман кечиш, тўлов муддатини кечиктириш, ер солиғи миқдорини камайтириш кўзда тутилиши мумкин.

Қўриқхоналар, миллий ва дендрология (ўрмон) парклари, ботаника боғлари, шунингдек бузилган ёки кам унумли ерларни эгаликка ёки фойдаланишга олган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, коллективлар ва гражданлар ер учун ҳақ тўлашдан озод қилинади. Алоҳида муҳофаза остида бўлган қўриқхоналар, илмий тадқиқот муассасаларининг ҳамда қишлоқ хўжалик профилидаги ўқув юртларининг тажриба хўжаликлари, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек, кам сонли халқлар ва этник гуруҳлар истиқомат қиладиган ва хўжалик фаолияти билан машғул бўлган жойлардаги анъанавий касблар билан шуғулланувчи корхоналар, бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, СССР гражданлари иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида белгиланган тартибда, халқ депутатлари Советларининг қарорига биноан ҳақ тўлашдан озод этилиши мумкин.

13-модда. **Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ерга оид муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ерга оид муносабатларни тартибга солиш соҳасида автоном областлар, автоном округлар, ўлкалар, областлар ва бошқа маъмурий-территориал бирликлар халқ депутатлари Советлари қуйидаги ваколатларга эгадирлар:

1) гражданларга, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва ижарага олиш учун ер бериш;

2) ерга эгалик қилиш ҳуқуқини, ердан фойдаланиш ҳуқуқини ва ерни ижарага бериш шартномаларини рўйхатга олиш;

3) ер маълумотномаси (кадастр ҳужжатлари) юритишни ташкил этиш;

4) ер тузишни ташкил этиш;

5) ушбу Қонун Асосларида кўзда тутилган ҳолларда ерларни мусодара қилиш;

6) ер учун ҳақ олиш;

7) ердан фойдаланишни ва унинг муҳофаза этилишини назорат қилиш;

умумиттифоқ, республикалараро ва республика эҳтиёжлари учун автоном областлар, автоном округларнинг территорияси доирасида ерлар тегишли автоном тузилмаларнинг розилиги билан берилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ерга оид масалаларни ҳал этишлари учун депутатлар комиссиялари тузилади.

Иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларида турли даражадаги халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ерга оид муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари аниқ белгилаб берилади.

14-модда. **Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг ерга оид муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Иттифоқдош ва автоном республикалар ерга оид муносабатларни тартибга солиш соҳасида қуйидаги ваколатларга эгадирлар:

1) халқ депутатлари қишлоқ, посёлка, шаҳар, район Советларининг, шунингдек ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг розилиги билан умумиттифоқ, республикалараро ва республика мақсадларида иттифоқдош ва автоном республикалар чегараларидаги ерларни бошқариш;

2) иттифоқдош ва автоном республикаларнинг ер тўғрисидаги қонунларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

3) кам сонли халқлар ва этник группалар истиқомат қиладиган ҳамда хўжалик фаолиятини юритадиган жойларда халқ депутатлари тегишли маҳаллий Советларининг розилиги билан ердан фойдаланишнинг алоҳида ҳуқуқий режими бўлган территориялар чегараларини белгилаш;

4) ер учун ҳақ тўлаш тартибини ва унинг энг кўп миқдорини, шунингдек тўловларни олиш имтиёзларини белгилаш;

5) халқ депутатлари маҳаллий Советлари билан биргаликда ердан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ер ресурсларини муҳофаза қилишга оид республика программаларини табиатни муҳофаза қилишга оид бошқа тадбирлар билан биргаликда ишлаб чиқиш ва бажариш;

6) ердан фойдаланиш ва унинг муҳофаза этилишини назорат қилиш;

7) ер тузишни ва давлат ер кадастри юритишни ташкил этиш.

15-модда. **ССР Иттифоқининг ерга оид муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ерга оид муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги қуйидаги вазифалар ССР Иттифоқи ваколатига киради:

1) умумиттифоқ ва республика эҳтиёжлари учун ер бериш тўғрисидаги масалаларни иттифоқдош ва автоном республикалар билан биргаликда ҳал этиш;

2) СССРда ерга оид муносабатларни тартибга солишнинг асосий қоидаларини белгилаш, СССРнинг Ер тўғрисидаги Қонунини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

3) иттифоқдош ва автоном республикалар билан биргаликда ерлардан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ер ресурсларини муҳофаза қилишга оид умумиттифоқ программаларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

4) ССР Иттифоқи учун ерга ҳақ тўлашнинг ягона принципларини белгилаш;

5) ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат ўрнатиш, ерларнинг ҳолатини (мониторинг) мунтазам кузатиб туриш;

6) давлат ер кадастрини юритиш тартибини белгилаш;

7) ер тузиш асосий қоидаларини белгилаш.

II бўлим.

Ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари

16-модда. **Ерга эгалик қилувчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари**

Ер эгалари қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

1) ерда мустақил хўжалик юритиш;

2) етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва уни сотишдан олинган даромадга эгалик қилиш;

3) мавжуд ер участкасида кенг тарқалган фойдали қазилмалар, торф, ўрмонзорлар, сув объектларидан белгиланган тартибда хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиш, шунингдек ернинг бошқа фойдали хоссаларини ишга солиш;

4) уй-жойлар, ишлаб чиқариш, маданий-маиший ҳамда бошқа иморатлар ва иншоотлар қуриш;

5) қишлоқ хўжалик экинзорларига ва дарахтларга эгалик қилиш;

6) ер мусодара қилинган ёки ер участкасидан ихтиёрий воз кечилган тақдирда ер унумдорлигини оширишга сарфланган харажатларни тўла ундириб олиш;

7) ушбу Қонун Асосларида, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларида кўзда тутилган тартибда ер участкасини ёки унинг бир қисмини вақтинча фойдаланиш учун бериш.

Ердан фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

1) ердан кўзда тутилган мақсадларда самарали фойдаланиш, унинг унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилиш технологиясини қўлланиш, ўз хўжалик фаолияти натижасида территорияда экология вазияти ёмонлашишига йўл қўймаслик;

2) ушбу Қонун Асосларининг 42-моддасида кўзда тутилган ерларни муҳофаза қилишга оид туркум тадбирларни амалга ошириш;

3) ер солиғини ўз вақтида тўлаш;

4) ерга эгалик қилувчи, ердан фойдаланувчи бошқа кишиларнинг, шу жумладан ижарачиларнинг ҳуқуқларига риоя этиш.

17-модда. **Ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари**

Ердан фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эгадилар:

1) ердан уни бериш шартларига мувофиқ фойдаланиш;

2) ер участкасидаги мавжуд кенг тарқалган фойдали қазилмалар, торф, ўрмонлар, сув объектларидан белгиланган тартибда фойдаланиш, шунингдек ернинг бошқа фойдали хоссаларини ишга солиш;

3) ер берган халқ депутатлари Советининг розилиги билан, уй-жой, ишлаб чиқариш иморатлари, маданий-маиший бинолар ва бошқа иншоотлар қуриш;

4) ердан фойдаланиш тўхтатилган тақдирда ерни яхшилаш учун ўз ҳисобидан сарфлаган маблағни ундириб олиш;

5) қишлоқ хўжалик экинзорлари ва етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотига эгалик қилиш;

6) ушбу Қонун Асосларида, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда ер участкасини ёки унинг бир қисмини вақтинча фойдаланиш учун бериш.

Ердан фойдаланувчилар қуйидагиларни бажаришга мажбурдирлар:

1) ердан уни бериш чоғида белгилаб қўйилган мақсадлар ва шартларга мувофиқ фойдаланишни таъминлаш;

2) ўзига берилган ердан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологиясини қўлланиш, ўз хўжалик фаолияти натижасида территорияда экология вазияти ёмонлашувига йўл қўймаслик;

3) ушбу Қонун Асосларининг 42-моддасида кўзда тутилган ерларни муҳофаза қилишга оид туркум тадбирларни амалга ошириш;

4) ер солиғини ёки ер учун ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш;

5) ерга эгалик қилувчиларнинг, ердан фойдаланувчи бошқа кишиларнинг, шу жумладан ижарачиларнинг ҳуқуқларига риоя этиш.

18-модда. **Ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш**

Давлат, хўжалик ва бошқа идоралар ҳамда ташкилотларнинг ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар фаолиятига, улар қонунни бузган ҳоллардан ташқари, аралашиши тақиқлаб қўйилади.

Бузилган ҳуқуқлар ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларида кўзда тутилган тартибда тикланиши керак.

Ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар ҳуқуқларини бузиш билан етказилган зарар тўла ҳажмда қопланиши керак.

Зарарни тўлаш тўғрисидаги низоларни суд ёки давлат арбитражи кўриб чиқади.

Ушбу Қонун Асослари, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларида кўзда тутилган ҳоллардагина ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари чекланиши мумкин.

19-модда. **Ерга эгаллик қилиш кафолатлари**

СССР гражданларига берилган ер участкалари уларнинг хоҳишига кўра халқ депутатлари Совети томонидан баб-баравар ер участкаси ажратилиб, ер участкаси олаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар янги жойда олдингисининг ўрнига уй-жойлар, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатларни қуриб берганидан кейин ҳамда ушбу Қонун Асосларининг IX бўлимига мувофиқ етказилган бошқа барча зарарларни тўла ҳажмда тўлаганидан кейин давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун қайтариб олиниши мумкин.

Уларнинг ҳоҳишига кўра қайтариб олинадиган иморатлар ўрнига уй-жой, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатлар қуриб берганидан кейин ҳамда ушбу Қонун Асосларининг IX бўлимига мувофиқ бошқа барча зарарларни тўла ҳажмда тўлаганидан кейин давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун колхозлар, совхозлар, қишлоқ хўжалик, илмий-тадқиқот муассасалари ва ўқув хўжаликлари, бошқа давлат кооператив, жамоат қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналарининг ерлари қайтариб олиниши мумкин.

III бўлим.

СССР гражданларининг ерга эгалик қилиши ва ердан фойдаланиши

20-модда. **СССР гражданларининг ерга эгалик қилиши**

СССР гражданлари:

деҳқончилик хўжалигини юритиш учун;

шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш учун;

уй-жой қуриш ва ундан фойдаланиш учун;

боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланиш учун;

чорбоғ қуриш учун;

уй-жойларни меросга олган ёки сотиб олган ҳолларда;

анъанавий халқ ҳунармандчилиги учун умрбод мерос қилиб қолдириладиган тарзда эгалик қилиш мақсадида ер участкаларини олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида бошқа мақсадларда эгалик қилиш учун ҳам ер участкалари бериш кўзда тутилиши мумкин.

Мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқи тартиби ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларида белгилаб берилади.

21-модда. **СССР гражданларининг ердан фойдаланиши**

СССР гражданларига ер тегишли халқ депутатлари Совети тасарруфидаги ерларда полизчилик билан шуғулланиш, пичан ўриш ва мол боқишда фойдаланиш учун ажратиб берилади. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз қарамоғидаги ёки ўзлари фойдаланаётган ерлардан ана шу мақсадлар учун участкалар ажратиб беришлари мумкин.

Иттифоқдош ва автоном республикалар қонунлари билан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун ер участкалари ажратиб бериш назарда тутилиши мумкин.

22-модда. **Хизмат юзасидан ажратиб бериладиган ерлар**

Транспорт, ўрмон хўжалиги, ўрмон саноати, алоқа, сув, балиқчилик, овчилик хўжаликлари, шунингдек халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўзлари эгалик қилаётган ёки фойдаланаётган ерлардан ўз ходимларининг айрим тоифаларига иттифоқдош ва автоном республикалар қонунлари билан белгилаб қўйиладиган шартлар ва тартибда хизмат юзасидан ер ажратиб берадилар.

IV бўлим.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар

23-модда. **Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш**

Қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадларга мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, деб эътироф этилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қуйидагиларга берилади:

1) СССР гражданларига — шахсий ёрдамчи хўжаликни, якка тартибда боғдорчилик, сабзавотчилик ва чорвачиликни юритиш учун;

2) СССР гражданларининг кооперативларига — коллектив боғдорчилик — сабзавотчилик ва чорвачилик учун;

3) СССР гражданларига, колхозлар, совхозлар, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган бошқа давлат, кооператив, жамоат корхоналари ва ташкилотларига — товар қишлоқ хўжалигини юритиш учун;

4) илмий тадқиқот, ўқув муассасалари ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасаларига, қишлоқдаги ишлаб чиқариш-техника билим юртлари ва умумий таълим мактабларига — тадқиқот, ўқув мақсадлари, илғор тажрибани тарғиб этиш ва қишлоқ хўжалигини юритиш учун;

5) қишлоқ хўжалигига дахлдор бўлмаган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, диний ташкилотларга — ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун.

Шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш учун томорқа ер участкаларини халқ депутатлари қишлоқ, посёлка, шаҳар Советлари беради.

ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларида кўзда тутилган ҳолларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун бошқа ташкилотлар ва шахсларга берилиши мумкин.

24-модда. **Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерга эгалик қилиши**

Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари жамоат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун ерни доимий эгалик қилишга оладилар. Мазкур корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ер участкаларини қўшимча равишда ижарага олишлари мумкин.

Колхозлар, совхозлар, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари агросаноат бирлашмалари, комбинатлари, агрофирмалар ва бошқа тузилмалар таркибига кирганида ҳам уларнинг ерга бўлган ҳуқуқи сақланиб қолади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари бўлинмалари негизида (тажриба хўжаликлари бундан мустасно) тузилаётган кооперативларга ва халқ депутатлари Советларининг қарори билан кооперативлардан чиқаётган бўлинмаларга хўжалик юритишнинг тенг шароитларини яратиш зарурати ҳисобга олиниб, ер участкалари улар илгари ишлов берган ер участкаларидан берилади. Бу участкалар мазкур корхоналар ерлари таркибидан олиб қўйилиши керак. Ер участкалари бериш тартиби ва шартлари иттифоқдош ва автоном республикалар қонунлари билан белгиланади.

Колхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативларининг, аъзолари, қишлоқ хўжалик корхоналари (тажриба хўжаликлари бундан мустасно) ходимлари колхозлар ва кооперативлардан чиқишни ҳамда деҳқон хўжалигини юритишни истасалар халқ депутатлари Советининг қарорига кўра, хўжалик юритишнинг тенг шароитларини яратиш зарурлигини ҳисобга олиб, уларга мазкур корхоналар ерларидан ажратиб олинаётган участкалар берилади. Ер участкалари бериш тартиби ва шартлари мазкур Асослар, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунлари билан белгиланади.

25-модда. **Деҳқон хўжалигини юритаётган гражданларнинг ерга эгалиги**

Устун тарзда шахсий меҳнатга ва оила аъзоларининг меҳнатига асосланадиган деҳқон хўжалигини юритишни истаган СССР гражданларига уларнинг хоҳишига кўра, умрбод эгалик қилиб ва мерос қилиб қолдириш учун ёки ижарага ер участкалари берилади, бунга томорқа ерлари ҳам киради. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида ерни фақат ижарага бериш ҳоллари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

Деҳқон хўжалигини юритаётган гражданлар ишлаб чиқариш мақсадлари учун ер участкаларини қўшимча тарзда ижарага олишлари мумкин.

Иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларида гражданларнинг қишлоқ хўжалигидаги иш тажрибаси, зарур малакаси, бошқа шартлар ва омиллар ҳисобга олиниб, уларнинг ер участкасини олишида устун ҳуқуқ белгиланади.

Деҳқон хўжалигини юритаётган гражданларнинг энг кўп ер участкасини иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларига биноан регион хусусиятларини, ихтисослаштиришни ва берилаётган ерни асосан деҳқон хўжалиги аъзоларининг шахсий меҳнати билан ишлаш имкониятларини ҳисобга олиб, халқ депутатлари маҳаллий Советлари белгилайдилар.

Деҳқон хўжалигини юритаётган гражданларнинг ер участкалари бўлинмаслиги керак. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқи иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларида белгилаб қўйилган шартларда мерос қилиб қолдирилади.

Деҳқон хўжалиги мулки сотилаётганида ва ер участкаси бошқа гражданга, корхонага ёки ташкилотга берилаётганида халқ депутатлари Советининг қарорига кўра, ер эгаси ундан ҳосил етиштириш учун қилган барча харажатларини тўла қоплаб олиш, шунингдек ер участкасига эгалик қилинган даврда кадастр қиймати кўтарилишига мувофиқ тарзда ер сифатининг яхшиланиши учун сарфлаган харажатларини қоплаб олиш ҳуқуқига эгадир.

Деҳқон хўжалигини юритаётган граждан меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолса ёки пенсия ёшига етса ўзи билан биргаликда деҳқон хўжалигини юритаётган оила аъзоларидан бирига ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини бериши ёки уни вақтинчалик фойдаланиб туришга бериб қўйиши, бундай кишилар бўлмаганида эса, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида белгилаб қўйилган тартиб ва шартларда бошқа кишиларга бериши мумкин.

26-модда. **СССР Гражданларига деҳқон хўжалигини юритиш учун ер бериш тартиби**

СССР гражданларига деҳқон хўжалигини юритиш учун ер уларнинг аризаларига биноан халқ депутатлари қишлоқ Советининг тақдимига кўра халқ депутатлари район Советининг қарори билан берилади.

Ер участкалари гражданларга, одатда, шу ерда жойлашган сув манбалари ва ўрмонзорлар билан биргаликда яхлит ҳолда берилади.

Колхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативларининг аъзолари, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ходимлари мабодо ана шу кооперативлар ва корхоналардан чиқишаётган бўлса, уларга ер участкаси ажратилади, мазкур участкаларнинг кадастр баҳоси қоида тариқасида хўжалик бўйича ўртача даражада бўлиши керак. Хўжаликдаги ўртача кадастр баҳосидан пастроқ баҳо олган ер участкаси ажратилганида иттифоқдош ва автоном республикалар қонунлари билан солиқ имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар белгиланади.

СССРнинг бошқа гражданларига деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкалари мазкур асосларининг 38-моддасига биноан захира ердан берилади.

Ер беришни рад этиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

V бўлим.

Аҳоли пунктларининг ерлари

27-модда. **Шаҳарлар ва шаҳар типидаги посёлкаларнинг ерлари**

Шаҳар (посёлка) доирасидаги барча ерлар халқ депутатлари шаҳар (посёлка) Советлари ихтиёридадир. Шаҳар (посёлка) доирасини, шаҳарлар (посёлкалар) территориясининг ер-хўжалик тузилишини белгилаш ва ўзгартириш, ер участкаларини тортиб олиш ва бериш тартиби ҳамда улардан фойдаланиш шартлари мазкур Асослар, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунлари билан белгиланади. Шаҳар (посёлка) доирасида ер участкаларига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва ижарага бериш тўғрисидаги қарорни халқ депутатлари шаҳар (посёлка) Совети қабул қилади.

Ер участкаларини шаҳар (посёлка) доирасига қўшиш мазкур участкалардаги ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқининг тўхтатилишига олиб келмайди.

28-модда. **Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерлари**

Қишлоқ аҳоли пунктлари учун ер тузилиши тартибида белгилаб қўйилган чегаралар доирасида бўлган барча ерлар мазкур пунктларнинг ерларига киради.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерлари халқ депутатлари қишлоқ Советининг ихтиёридадир. Халқ депутатлари қишлоқ Совети қишлоқ аҳоли пунктлари чегаралари доирасида ер участкаларига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қишлоқ аҳоли пунктлари ерларидан фойдаланиш тартиби иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунлари билан белгиланади.

VI бўлим.

Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ерлари ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар

29-модда. **Саноат, транспорт, алоқа ерлари ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар**

Тегишли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга улар зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланишга топшириб қўйилган ерлар саноат, транспорт, алоқа ерлари ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар, деб эътироф этилади.

Мазкур мақсадлар учун берилаётган ер участкаларининг катта-кичиклиги кўрсатилган тартибда тасдиқланган нормалар ва лойиҳа-техника ҳужжатларига мувофиқ белгиланади, участкалар эса уларни ўзлаштириш навбати ҳисобга олиниб, ажратилади.

Саноат, транспорт, алоқа ерлари ва бошқа мақсадга мўлжалланган ерлардан фойдаланиш тартиби ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунлари билан белгиланади.

30-модда. **Саноат, транспорт, алоқа корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари томонидан қишлоқ хўжалик мақсадлари учун ер бериш**

Саноат, транспорт, алоқа ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари корхоналари. муассасалари ва ташкилотлари ўзлари фойдаланмаётган ерни халқ депутатлари маҳаллий Советларининг қарорига кўра, ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларида белгилаб қўйилган тартиб ва шартларда қишлоқ хўжалик мақсадлари учун гражданларга, колхозларга, совхозларга, бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга вақтинча фойдаланиш учун берадилар. Мазкур Асосларнинг 12-моддасида назарда тутилган тартибга кўра, шу ерлар учун ҳақ тўланади.

31-модда. **Мудофаа эҳтиёжлари учун мўлжалланган ерлар**

СССР Қуролли Кучларининг ҳарбий қисмлари, муассасалари, ҳарбий-ўқув юртлари, корхоналари ва ташкилотлари, чегара қўшинлари, ички ва темир йўл қўшинлари жойлашиши ва доимий фаолияти учун бериб қўйилган ерлар мудофаа эҳтиёжи учун мўлжалланган ерлар деб эътироф этилади.

Мудофаа эҳтиёжлари учун ер бериш тартиби ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунлари билан белгиланади.

VII бўлим.

Табиатни муҳофаза этиш, соғломлаштириш, дам олиш ва тарих-маданият мақсадларига мўлжалланган ерлар

32-модда. **Табиатни муҳофаза этишга мўлжалланган ерлар**

Табиатни муҳофаза этишга мўлжалланган ерларга қўриқхоналар, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар (овчилик учун мўлжалланган ерлар бундан мустасно), табиат ёдгорликлари ерлари киради.

Бу ерларда уларнинг мақсадига зид бўлган фаолият тақиқланади.

Қўриқхоналар, миллий ва дендрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар (овчиликка мўлжалланган ерлар бундан мустасно), табиат ёдгорликлари ерлари режимини таъминлаш учун муҳофаза зоналари таъсис этилиб, ушбу зоналарнинг ерларида уларнинг режимига риоя этилишини таъминлашга зарарли таъсир этадиган фаолият тақиқлаб қўйилади.

Табиатни муҳофаза этишга мўлжалланган ерлардан фойдаланиш тартиби ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунлари билан белгилаб қўйилади.

33-модда. **Соғломлаштиришга мўлжалланган ерлар**

Дарднинг олдини олиш ва даволашни ташкил этиш учун қулай бўлган табиий даволаш омилларига эга бўлган ер участкалари соғломлаштиришга мўлжалланган ерлар қаторига киради.

Курортлар жойлашган ерларни алоҳида муҳофаза этиш керак. Табиий даволаш омилларини муҳофаза этиш мақсадида барча курортларда санитария муҳофазаси округлари белгиланади. Ана шу округлар доирасида фаолияти табиий даволаш хоссалари ва аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитларни муҳофаза этишга зид бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ер участкаларини эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижарага бериш маън этилади.

Соғломлаштиришга мўлжалланган ерлардан фойдаланиш тартиби ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунлари билан белгиланади.

34-модда. **Дам олишга мўлжалланган ерлар**

Аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмни ташкил этишга мўлжалланган ва шу мақсадда фойдаланилаётган ерлар дам олишга мўлжалланган ерлар деб эътироф этилади. Дам олишга мўлжалланган ерларда улардан мақсадга мувофиқ фойдаланишга халал берадиган фаолият тақиқланади.

Мазкур ерлардан фойдаланиш тартиби ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунлари билан белгиланади.

35-модда. **Тарих-маданият аҳамиятига молик ерлар**

Тарих-маданият қўриқхоналари, мемориал боғлар, дафн қилиш жойлари, археология ёдгорликлари ерлари тарих-маданият аҳамиятига молик ерлар қаторига киради.

Бу ерларда уларнинг асосий мақсадига зид бўлган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Мазкур ерлардан фойдаланиш тартиби ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунлари билан белгиланади.

VIII бўлим.

Ўрмон фонди ерлари, сув фонди ерлари ва захира ерлар

36-модда. **Ўрмон фонди ерлари**

Ўрмон билан қопланган, шунингдек ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам ўрмон хўжалиги эҳтиёжи учун бериб қўйилган ерлар ўрмон фонди ерлари деб эътироф этилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ўрмон хўжалиги давлат органлари билан келишиб, ўрмон фонди ерларини қишлоқ хўжалик мақсадлари учун вақтинча фойдаланишга беришлари мумкин. Мазкур Асосларнинг 12-моддасида кўзда тутилган тартибда ушбу ерлар учун ҳақ тўланади.

Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш тартиби ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунлари билан белгиланади.

37-модда. **Сув фонди ерлари**

Сув ҳавзалари, музликлар, ботқоқликлар, гидротехника иншоотлари ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаб турган ерлар, шунингдек сув ҳавзаларининг қирғоқлари бўйлаб ажратиб қўйилган минтақадаги ерлар сув фонди ерлари қаторига киради.

(Давоми учинчи бетда).

ССР ИТТИФОҚИ ВА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН АСОСЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Ушбу фонди ерларидан фойдаланиш тартиби ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунлари билан белгиланади.

38-модда. **Захира ерлар**

Эгалик қилишга ва доимий фойдаланишга берилмаган барча ерлар захира ерлардир. Бунга мазкур асосларнинг 9-моддасига мувофиқ эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилган ерлар ҳам киради.

Захира ерлар халқ депутатлари Советларининг ихтиёридадир ва мазкур асосларга мувофиқ кўпроқ қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижарага беришга мўлжалланган.

IX бўлим.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар кўрган зарарнинг ва қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришидаги нобудгарчиликларнинг ўрнини қоплаш

39-модда. **Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар кўрган зарарни қоплаш**

Ер участкаларини тортиб олиш ёки вақтинча эгаллаб туришдан кўрилган, шунингдек ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг, жумладан ижарачиларнинг ҳуқуқлари чекланишидан ёки корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва гражданларнинг фаолияти таъсири оқибатида ер сифати ёмонлашганлигидан ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар, шу жумладан ижарачилар кўрган зарарнинг ўрни тўла ҳажмда (жумладан бой берилган фойдани ҳам ҳисобга олиб) қопланиши керак. Тортиб олинган ер участкаларини ажратган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар кўрилган зарарнинг ўрнини қоплайдилар, шунингдек фаолияти ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг, жумладан ижарачиларнинг ҳуқуқлари чекланишига ёки шу атрофдаги ерларнинг сифати ёмонлашувига олиб келган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мазкур Асосларда ва ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг бошқа қонунларида белгилаб қўйилган тартибда кўрилган зарарнинг ўрнини қоплайдилар.

Кўрилган зарарни қоплаш ва бу зарарнинг миқёсини белгилаш билан боғлиқ бўлган баҳслар ваколатларига мувофиқ тарзда суд ёки давлат арбитражида ҳал қилинади.

40-модда. **Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришидаги зарарларнинг ўрнини қоплаш**

Қишлоқ хўжалиги ерлари ва ўрмонзорларни тортиб олиб, улардан қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадда фойдаланиш ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар, шу жумладан ижарачилар ҳуқуқининг чекланиши ёки корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятининг таъсири натижасида ер сифатининг ёмонлашувидан қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши кўрган зарарнинг ўрни халқ депутатлари Советлари томонидан қопланиши керак. Мазкур Асосларнинг 39-моддасида кўзда тутилган зарарларни қоплашдан ташқари бу зарарлар ўрни тўлдирилади.

Мазкур зарарларнинг ўрнини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун тортиб олинган қишлоқ хўжалик ерлари ва ўрмонзорлар берилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қоплайдилар, бу зарарларнинг ўрнини объектлари атрофида муҳофаза, санитария ва ҳимоя зоналари белгиланиб, қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик ерларини оборотдан чиқариб юборган ёки мазкур ерларни у қадар қиймати бўлмаган ерларга айлантириб қўйган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам қоплайдилар.

Кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун тушаётган маблағдан янги ерларни ўзлаштириш, ўрмон фондидаги ерларнинг унумдорлигини ва самарадорлигини ошириш учун фойдаланилади.

Ўрнини қоплаш лозим бўлган зарарнинг миқдори ва уларни аниқлаш тартиби, шунингдек зарар ўрнини қоплашдан халос қилинган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар рўйхати иттифоқдош ва автоном республикалар қонунлари билан белгиланади.

X бўлим.

Ерларни муҳофаза қилиш

41-модда. **Ерларни муҳофаза этишнинг мақсад ва вазифалари**

Ерларни муҳофаза этиш ердан оқилона фойдаланиш, ерни қишлоқ хўжалик оборотидан асосланмаган тарзда тортиб олинишининг олдини олиш, зарарли антропоген таъсиридан ҳимоя қилиш, шунингдек тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, ўрмон фонди ерларининг самарадорлигини юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий тадбирлар ва бошқа тадбирлар системасини қамраб олади.

Ерларни муҳофаза қилиш мураккаб табиий ҳосилалар (экосистемалар) бўлмиш экинзорларга уларнинг зона ва минтақа хусусиятларини эътиборга олиб комплекс ёндашиш асосида амалга оширилади.

Ердан оқилона фойдаланиш системаси табиатни муҳофаза қиладиган ва ресурсларни тежайдиган тусда бўлиши ҳамда тупроқнинг сақланишини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, геология жинсларига ва атроф-муҳитининг бошқа таркибий қисмларига таъсир ўтказиш чекланишини назарда тутадиган бўлиши керак.

42-модда. **Ерларни муҳофаза қилишнинг мазмуни ва тартиби**

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар, шу жумладан ижарачилар:

территорияни оқилона ташкил этадилар;

тупроқнинг унумдорлигини, шунингдек ернинг бошқа хусусиятларини тиклайдилар ва оширадилар;

ерларни сув ва шамол таъсирида нурашдан, селдан, сув босишидан, ботқоқланишдан, қайта шўр босишдан, қовжирашдан, зичланишдан, ишлаб чиқариш чиқитлари билан, химиявий ва радиоактив моддалар билан булғанишдан, бошқа бузғувчи жараёнлардан ҳимоя қиладилар;

экинзорларнинг бута ва майда дарахтлар босиб кетишидан, ерларнинг маданий-техникавий ҳолатини ёмонлаштирадиган бошқа жараёнлардан ҳимоя қиладилар;

таназзулга юз тутган экинзорлардаги тупроқнинг ҳосилдорлигини қайта тиклашнинг бошқа усуллари бўлмаган тақдирда бу экинзорларни консервация қилиб қўядилар;

бузилган ерларни қайта экинзорга айлантирадилар, уларнинг унумдорлигини ва ернинг бошқа фойдали хусусиятларини оширадилар;

ерларни бузиш билан боғлиқ бўлган ишларни ўтказиш чоғида тупроқнинг унумдор қатламини сидириб оладилар, ундан фойдаланадилар ва уни сақлаб қоладилар.

Давлат органлари умумиттифоқ ва республика дастурлари доирасида ерларни муҳофаза қилиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

Ерларни муҳофаза қилиш тартиби ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунлари билан белгиланади.

43-модда. **Ерларнинг ҳолатига таъсир қиладиган объектлар, иморатлар ва иншоотларни жойлаштиришга, лойиҳалашга, қуришга ва ишга туширишга нисбатан экологик талаблар**

Ерларнинг ҳолатига салбий таъсир қиладиган янги объектлар, иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга тушириш ҳамда мавжудларини таъмирлаш, шунингдек янги технологияларни жорий қилиш чоғида ерларни муҳофаза қилиш тадбирлари кўзда тутилиши ва амалга оширилиши керак.

Ерларни таназзулга юз тутишдан ёки бузилишдан ҳимоя қилиш тадбирлари билан таъминланмаган объектларни ишга тушириш ва технологияларни қўллаш тақиқланади.

Ерларнинг ҳолатига таъсир қиладиган объектларнинг жойлаштирилиши ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида белгиланган тартибда ер тузиш, табиатни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа органлар билан келишиб олинади.

44-модда. **Ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш**

Ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг, шу жумладан, ижарачиларнинг тупроқ ҳосилдорлигини сақлаб қолиш ва тиклашдан, ерларни ишлаб чиқариш фаолиятининг салбий оқибатидан ҳимоя қилишдан манфаатдорлигини оширишга қаратилган ва:

бошқаларнинг айби билан бузилган ерларни тиклаш учун иттифоқ, республика ёки маҳаллий бюджетлардан маблағ ажратишни;

қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзлаштириш ёки ишларни бажариш лойиҳасида кўзда тутилган даврда ерларнинг ҳолатини яхшилаш босқичида турган ер участкалари учун ҳақ тўлашдан озод этишни;

енгил шартлар билан кредитлар беришни;

бошқаларнинг айби билан бузилган ер участкаларини вақтинча консервация қилиниши натижасида даромад камайганлигининг ўрнини бюджет маблағлари ҳисобидан қисман қоплашни;

ерларнинг сифатини яхшилаганлик, тупроқнинг ҳосилдорлиги ва ўрмон фонди ерларининг самарадорлигини оширганлик, экологик соф маҳсулот ишлаб чиқарганлик учун рағбатлантиришни ўз ичига олади.

Ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш тартиби ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунлари билан белгиланади.

XI бўлим.

Ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан назорат

45-модда. **Ерлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофазаси устидан давлат назоратининг вазифалари**

Ерлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофазаси устидан давлат назоратининг вазифалари барча давлат ва жамоат органлари, давлат кооператив ва бошқа жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, шунингдек гражданлар томонидан ердан самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш мақсадида ерга оид қонунларнинг талабларига риоя этилишини таъминлашдан иборат.

46-модда. **Ерлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган идоралар**

Ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини халқ депутатлари Советлари ва махсус вакил қилинган идоралар амалга оширадилар. Ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунлари билан белгиланади.

47-модда. **Ер мониторинги**

Ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, уларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фонди ҳолатини кузатиб туриш системасидан иборат. Мониторинг структураси, мазмуни ва уни амалга ошириш тартибини СССР Министрлар Совети белгилайди.

XII бўлим.

Давлат ер кадастри

48-модда. **Давлат ер кадастрининг вазифаси**

Давлат ер кадастри халқ депутатлари Советларини, манфаатдор корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва гражданларни ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этиш, ерга оид муносабатларни, ер тузилишини тартибга солиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида ер тўғрисидаги ахборот билан таъминлашдан иборат.

49-модда. **Давлат ер кадастрини юритишнинг мазмуни ва тартиби**

Давлат ер кадастри ерларнинг ҳуқуқий режими, уларни ерга эгалик қилувчиларга, ердан фойдаланувчиларга, ер категорияларига қараб тақсимлаш тўғрисидаги, ерларнинг сифат характеристикаси ва халқ хўжалик қиймати тўғрисидаги зарур маълумотлар ва ҳужжатлар системасидан иборат.

Давлат ер кадастри топография-геодезия, картография, тупроқ, геоботаника текширувлари ва изланишлари ҳамда бошқа хил текширишлар ва изланишлар, ерга эгалик ва ердан фойдаланишни рўйхатга олиш, ерларни ҳисобга олиш ва уларга баҳо бериш билан таъминланади.

Давлат ер кадастрини ер тузиш органлари бутун мамлакат учун ягона система асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширадилар.

Давлат ер кадастрини юритиш тартиби СССР Министрлар Совети томонидан белгиланади...

XIII бўлим.

Ер тузилиши

50-модда. **Ер тузилиши вазифалари ва мазмуни**

Ер тузилиши ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга, қулай экологик муҳитни вужудга келтиришга ва табиий иқлимни яхшилашга оид ер тўғрисидаги қонунларни, халқ депутатлари Советларининг қарорларини амалга оширишга қаратилган тадбирлар системасини ўз ичига олади.

Ер тузилиши:

1) ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш схемаларини ҳамда ер тузилиши схемаларини ишлаб чиқишни;

2) маъмурий-территориал тузилмалар чегаралари жойларини белгилашни;

3) янги ерларни ҳосил қилиш ҳамда мавжуд ерларга эгалик қилиш ва ундан фойдаланишни тартибга солиш. ерлардаги ноқулайликларни тугатиш, натура ҳолида ер участкаларини ажратиш лойиҳаларини тузишни, ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларни тайёрлашни;

4) хўжаликларда ер тузилиши лойиҳаларини ҳамда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа лойиҳаларни ишлаб чиқишни;

5) ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза этишга доир прогнозларни, умуминтифоқ ва регионал программаларни ишлаб чиқишни;

6) махсус тарзда табиатни муҳофаза қилиш, дам олиш ва қўриқхона режимларидаги территориялар жойлашишини асослаб беришни ва уларнинг чегараларини белгилашни;

7) ер тузилиши лойиҳалари амалга оширилиши устидан авторлик назоратини;

8) топография-геодезия, картография, тупроқ, геоботаника текширувлари ва изланишларини ҳамда бошқа текширувлар ва изланишларни ўтказишни назарда тутади.

51-модда. **Ер тузилишини ташкил этиш**

Ер тузилиши давлат ер тузиш ташкилотлари томонидан бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Ер участкалари тузилиши, уларни тубдан яхшилаш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ ер тузилиши лойиҳалари ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ташаббуси билан улар ҳисобидан бошқа ер тузилиши ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилиши мумкин.

XIV бўлим.

Ер хусусидаги низоларни ҳал этиш ва ер қонунларини бузганлик учун жавобгарлик

52-модда. **Ер хусусидаги низоларни ҳал этиш тартиби**

Ер хусусидаги низолар халқ депутатлари маҳаллий Советлари, суд ёки давлат арбитражи томонидан иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Ер муносабатлари билан боғлиқ бўлган мулкий низолар суд ёки давлат арбитражи томонидан уларнинг ваколатлари доирасида ҳал қилинади.

Бир республика корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг бошқа республика территориясидаги ердан фойдаланиш масалаларига оид низолари манфаатдор республикаларнинг вакилларидан кенг асосда тузилган комиссиялар томонидан кўриб чиқилади. Башарти комиссия якдиллик билан бир қарорга келолмаса, шу масала хусусидаги низолар ССР Иттифоқи қонунларига мувофиқ белгиланган тартибда кўриб чиқилиши лозим.

53-модда. **Ер хусусидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик**

Ер участкаларини сотиб олиш ва сотиш, совға қилиш, гаровга қўйиш, ўзбошимчалик билан айирбошлаш ҳақиқий эмас.

Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олишда, шунингдек қишлоқ хўжалиги ерларини ва бошқа ерларни бузишда, уларни химиявий ва радиоактив модалар, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва оқава сувлар билан булғатишда, ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган объектларни жойлаштириш, қуриш, лойиҳалаш, ишга туширишда, ердан фойдаланишнинг табиатни муҳофаза қилиш режими талабларини бажармасликда, вақтинча эгаллаб турган ерни қайтариб бериш муддатини бузишда ёки шу ерларни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириб бериш мажбуриятларини бажармасликда, фойдаланиладиган ерлар чегараларининг марза белгиларини йўқ қилиб ташлашда, ерларнинг давлат рўйхати, ҳисоб-китоби ва нархи маълумотларини сохталаштиришда айбдор бўлган шахслар ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларига биноан гражданлик, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари эгасига қайтариб берилади, қонунга хилоф равишда фойдаланилган вақтда қилинган чиқимларнинг ўрни қопланмайди.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида ер қонунларини бошқа тарзда бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланиши мумкин.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва гражданлар ер тўғрисидаги қонунларни бузганликлари натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга мажбурдирлар.

XV бўлим.

Халқаро шартномалар

54-модда. **Халқаро шартномалар**

Башарти СССРнинг халқаро шартномасида СССРнинг Ер ҳақидаги Қонунида кўзда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартноманинг қоидалари қўлланилади. Башарти иттифоқдош республиканинг халқаро шартномасида мазкур иттифоқдош республиканинг ер ҳақидаги қонунида кўзда тутилганидан кўра бошқача қоидалар белгиланган тақдирда ҳам иттифоқдош республиканинг ер ҳақидаги қонуни хусусида худди шундай тартиб қўлланилади.

СССР Олий Советининг Раиси
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 28 февраль.

СССР Олий Советининг қарори

ОЗАРБАЙЖОН ССРдаги ВА АРМАНИСТОН ССРдаги АҲВОЛ ҲАМДА БУ РЕГИОНДАГИ ВАЗИЯТНИ НОРМАЛЛАШТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

СССР Олий Совети Озарбайжон ССР ва Арманистон ССРдаги ишларнинг аҳволини муҳокама қилиб, регондаги воқеаларнинг ривожи муносабати билан чуқур хавотирлик изҳор этади. Иккала республиканинг можароси хатарли даражага етди, Кавказорти халқларига ва бутун мамлакатга, демократик жараёнларнинг ривожланишига катта зиён етказмоқда.

Вазиятни сиёсий воситалар билан нормаллаштириш мақсадида марказий ҳокимият органлари сарфлаган куч-ғайратлар ижобий натижалар бермади. Иккала республикада давом этган миллатлараро зиддиятнинг кескинлашуви кўп кишиларнинг қурбон бўлишига олиб келди, юз минглаб одамлар қочоқлар аҳволига тушиб қолди.

Мана шундай вазиятда 1990 йил январида Тоғли Қорабоғ автоном областида, Озарбайжон ССРнинг баъзи районларида ва Арманистон ССРнинг Горис районида, сўнгра эса Бокуда фавқулодда ҳолат жорий этилганлиги қуролли тўқнашувлар, оммавий тартибсизликлар, қонун талабларига итоат қилмаслик кучайиб кетган шароитда зўравонликнинг пайини қирқиш юзасидан кўрилган энг қаттиқ, аммо зарур чора бўлди.

СССР Олий Совети азият чеккан кишиларга чуқур ҳамдардлик изҳор этади, ҳалок бўлган граждан шахслар ва ҳарбий хизматчиларнинг қариндош-уруғлари ва ёру биродарларига таъзия билдиради, Озарбайжон ва Арманистон халқлари бошига аянчли фожиа солган қаттол кучларнинг ва порага сотилган унсурларнинг хатти-ҳаракатларини кескин қоралайди.

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. Озарбайжон ССР ва Арманистон ССР ўз территорияларидаги барча миллат гражданларининг ҳуқуқлари ва хавфсизлигини таъминлаш учун, нормал ҳаёт фаолияти ва жамоат тартиби сақланиши учун тўла жавобгар эканликларини эътиборга олиб, республикаларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари зиммасига жамоатчиликни жалб қилиб, иккала республиканинг тенг ҳуқуқлилиги, суверенитети ва территориал бутунлиги қоидаларига асосланиб, халқлар ўртасида ишонч ва иноқликни тиклаш тўғрисида республикалараро шартнома тузиш учун дарҳол музокара бошлаш мажбурияти юклатилсин.

2. Озарбайжон ССР ва Арманистон ССРнинг давлат органларига, СССР Ички ишлар министрлигига ва СССР Давлат хавфсизлиги комитетига жанговар гуруҳларни тўла қуролсизлантириш ва аҳоли қўлидаги қуролни тортиб олиш, террорчилик ҳаракатлари, ур-йиқитлар, оммавий тартибсизликлар учун жавобгар бўлган қаттол ташкилотлар ва бирлашмаларнинг тарқатиб юборилишини таъминлаш топширилсин. Миллатчиликни, ирқчиликни ва диний мутаассибликни ошкора тарғиб қилувчи сиёсий ташкилотларнинг фаолиятини тақиқлаш зарур, деб ҳисоблансин.

3. Озарбайжон ССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига республикадаги вазият барқарорлашиб, аҳолининг хавфсизлигини таъминлайдиган шароит вужудга келган сайин Бокудаги фавқулодда ҳолатни бекор қилиш ва қўшинларни шаҳардан олиб кетиш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумига таклифлар киритиш тавсия қилинсин.

4. Озарбайжон ССР ва Арманистон ССРнинг Министрлар Советлари саноат корхоналарининг ишини нормаллаштиришга оид тадбирларни икки ҳафта муддат ичида ишлаб чиқиб, СССР Министрлар Советига ва Иттифоқ Советининг саноат, энергетика, техника ва технологияни ривожлантириш масалалари комиссиясига тақдим этсинлар, бунда мамлакатнинг бутун халқ хўжалиги барқарор ишлаши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган корхоналарга алоҳида эътибор берсинлар.

5. Озарбайжон ССР ва Арманистон ССР Министрлар Советлари СССР Темир йўллар министрлиги ва СССР Граждан авиацияси министрлиги билан биргаликда регионнинг темир йўл, автомобиль, ҳаво транспортидаги вазиятни дарҳол нормаллаштириш юзасидан республикалар ўртасида битим тузилишини таъминласинлар ҳамда транспорт йўлларининг пухта ишлаши учун чора-тадбирлар системасини ишлаб чиқсинлар. Иттифоқ Советининг транспорт, алоқа ва информатика комиссияси иккала республикадан сайланган СССР халқ депутатлари билан биргаликда бу ишда қатнашсин ва натижалардан СССР Олий Советини хабардор қилсин.

6. ССР Иттифоқи Прокуратураси, СССР Ички ишлар министрлиги, СССР Давлат хавфсизлиги комитети Озарбайжоннинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда Озарбайжон ССР Олий Совети комиссиясининг ҳулосаларини эътиборга олиб, 1990 йилнинг январида содир бўлган барча жиноятлар ва ғайриқонуний ҳаракат фактларини жуда қисқа муддатларда текширишни таъминласин.

СССР Бош прокурори ва СССР Давлат хавфсизлиги комитети икки ойлик муддатда СССР Олий Советига тегишли ахборотни тақдим этсин.

7. СССР Министрлар Совети Озарбайжон ССР ва Арманистон ССР Министрлар Советлари билан биргаликда қочоқларга ёрдам беришнинг ҳукумат дастури ишлаб чиқилишини жадаллаштирсин.

8. Марказий ва маҳаллий оммавий ахборот органларига миллатлараро муносабат муаммоларини тарафкашликка ва фактларни сохталаштиришга йўл қўймай, вазминлик ва масъулият билан, холисона ёритиш тавсия этилсин.

СССР Олий Советининг Раиси
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль
1990 йил 5 март.

Х. Модров Москвага келди

Совет раҳбариятининг таклифига биноан ГДР Министрлар Советининг Раиси Х. Модров 5 март куни расмий визит билан Москвага келди.

Аэродромда уни СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Аэропортда ГДР ва СССРнинг Давлат байроқлари кўтарилган эди.

* * *

Европада икки герман давлатидаги воқеаларнинг ривожига катта аҳамият берилаётган Х. Модровнинг СССР халқ депутатлари гуруҳи билан суҳбати асосий йўналишини белгилаб берди. Суҳбат шу куниёқ Кремлда бўлиб ўтди.

Совет парламент аъзолари меҳмонларнинг илтимосига кўра, Умумевропа жараёнида СССРнинг мавқеини таърифлаб, ГДР билан ГФРнинг белгиланган бирлашуви ушбу жараёнга мантиқан уйғунлашиб кетади ва қитъадаги мавжуд чегаралар хавфсизлиги ва бузилмаслиги учун таҳдид туғдирмайди, деб умид билдирдилар.

ГДР ҳукуматининг бошлиғи кейинги вақтларда ўз мамлакатида содир бўлаётган воқеалар билан депутатларни қисқача таништириб ўтиб, ҳозирги кунда Германия Демократик Республикаси ўз тараққиётининг муҳим босқичи олдида — халқ палатасига бўлажак сайлов арафасида турганини таъкидлади. 24 партия ва жамоат ташкилоти сайловга ўз номзодларини кўрсатди. Ана шу ташкилотларнинг сафларидаги мавжуд сиёсий ихтилофларга қарамай, деди Х. Модровга ҳамроҳ бўлиб келган министрлардан бири, уларни Совет Иттифоқи билан дўстлик муносабатларини бундан буён ҳам мустаҳкамлаш ва ривожлантириш истаги бирлаштириб турибди. Кейинги йилларда Совет Иттифоқи Европанинггина эмас, бутун дунё муҳитини соғломлаштириш, ишонч ва хавфсизлик тадбирларини мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшди. **(ТАСС).**

БМТга кўмаклашувчи уюшма ташкил қилинди

Ўзбекистон ССРда БМТга кўмаклашувчи уюшманинг таъсис конференцияси 6 март куни Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятида бўлиб ўтди. Унда фан ва маданият арбоблари, республика жамоат ташкилотларининг, министрликлари ва идораларининг вакиллари иштирок этишди.

Уюшманинг асосий вазифаси республиканинг тинчлик учун курашдаги ва БМТ бўлинмалари ишидаги иштирокини кучайтириш, халқаро алоқаларни кенгайтириш, шунингдек БМТ фаолиятини тарғиб қилишда кўмаклашишдан иборатдир.

Конференцияда Ўзбекистон ССРда БМТга кўмаклашувчи уюшманинг устави қабул қилинди.

Уюшманинг раҳбар органлари сайланди. Тарих фанлари доктори, ТошДУ профессори Г. А. Ҳидоятов унинг раиси бўлди.

Конференцияда Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

6 март куни XXI чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг биринчи сессияси ўз ишини бошлади. Депутатлар ташкилий масалаларни кўриб чиқдилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков яширин овоз бериш йўли билан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раиси этиб сайланди.

Ш. Р. Шоабдураҳимов Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси этиб тасдиқланди.

7 март куни сессия ўз ишини давом эттиради.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

АНДИЖОН, 6 март. (ЎзТАГ). Бугун йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Андижон область Советининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Депутатлар ташкилий масалаларни кўриб чиқдилар.

Андижон область партия комитетининг биринчи секретари К. Х. Холмирзаев халқ депутатлари область Советининг раиси қилиб сайланди.

Б. Т. Болтабоев область ижроия комитетининг раиси этиб тасдиқланди.

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов иштирок этди.

* * *

ТЕРМИЗ, 6 март. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Сурхондарё область Советининг бугун бўлиб ўтган биринчи сессиясида ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Э. Бердиев халқ депутатлари область Советининг раиси қилиб сайланди.

Т. Менглиев область ижроия комитетининг раиси этиб тасдиқланди.

* * *

УРГАНЧ, 6 март. (ЎзТАГ). Бугун янги чақириқ халқ депутатлари Хоразм область Советининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари Р. М. Худойберганова халқ депутатлари область Советининг раиси этиб сайланди.

Қ. Ҳалимбетов Хоразм область ижроия комитетининг раиси этиб тасдиқланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «пахта» ишларини ўрганиш комиссиясида

Комиссия Ўзбекистон ССР Олий судининг биносида комиссия раисининг ўринбосари А. А. Полвонзода гражданларни якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10 дан 19 гача қабул этишини маълум қилади.

Адрес: Абдулла Қодирий кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 41-45-66, 41-03-07.

ГАЗЕТХОН:

танқид қилади...

Қайси Некрасов?

Адабиётни, шеъриятни яхши кўраман. Шунинг учун китоб магазинларига бориб янги китоблардан олиб тураман. Одатим бўйича китоб магазинига кирдим. У ердан дўстим иккаламиз муқовасига «Н. А. Некрасов. Бўзтўрғай» деган китоб сотиб олдик. Биз машҳур классик шоир шеърларининг қорақалпоқчага ўгирилган янги тўпламини бўлса керак деб, китобни варақласак, ички муқовасида муаллиф «Георгий Некрасов» деб кўрсатилган эди. «Қайси Некрасов?» — деб ҳайрон қолдик. Китобга ёзилган кичик изоҳни ўқисак, унда муаллиф ҳозирги вақтда Ленингрддг самарали ижод қилаётган Георгий Александрович Некрасов эканлиги ёзилган эди. Шеърларни рус тилидан қорақалпоқ тилига ҳурматли шоиримиз Хўжабек Сейитов ўгирган экан. Тўплам муҳаррири Ж. Тожиддинов деб кўрсатилган.

Қизиқ, эзгу ишга қўл урилса-ю, у пойинтар-сойинтар қилиб ниҳоясига етказилса? Буни қандай тушунмоқ керак? Бу саволга, балки, «Бўзтўрғай» китобини босиб чиқарган «Қорақалпоғистон» нашриёти, автоном республика Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг масъул ходимлари жавоб беришар?

К. ТИЛЕУБЕРГЕНОВ,

...таклиф қилади

«Муқанна» яна қўйилса...

Жумҳуриятимиз Ҳамид Олимжон таваллудининг 80 йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўраётганидан хабардормиз. Юбилей муносабати билан ёзувчининг янги китоблари, тўпламлари нашр этиляпти. Театрлар ва бадиий коллективлар шоир шеърлари, достонлари асосида янги асарлар яратмоқдалар.

Лекин негадир «Муқанна» драмаси ҳақида ҳеч қандай янгилик эшитмаяпмиз. Ахир, бу пьеса Ҳамид Олижон ижодининг гултожларидан-ку. Ундаги машҳур:

Халққа айтинг: мен асло ўлганим йўқ,
Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ,
Мен элимнинг юрагида яшайман,
Эрк деганнинг тилагида яшайман,—

мисраларини ким билмайди дейсиз. Истилочилар босқинига қарши қаҳрамонона кураш воқеаларини тасвирловчи, ватанпарварлик, дўстлик бирдамлиги улуғловчи бу асарнинг театрларимиз (пьеса илгари Ҳамза театрида қўйилган) томонидан саҳналаштирилишини истаймиз. Шундай қилинса, Ҳамид Олимжон юбилейига яна бир ажойиб туҳфа тайёрланган бўлур эди.

А. ИМОМОВ,
меҳнат ветерани.

ГУЛ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

8-Март байрами арафасида Тошкент районидаги «Ленинград» совхози гулчилик хўжалиги миришкорлари пойтахтимиз хотин-қизларига даста-даста гуллар совға қилишмоқда. Зарифа Алимова, Юсуф Ҳамидов, Сафар Содиқов, Жанна Браун, Фая Терегулова, Машкура Раҳимоваларнинг қалб қўрлари билан парвариш қилинган гулларини совға сифатида қабул қилган ҳар қандай аёл ҳам ўзини бахтиёр ҳис қилиши шубҳасиз.

— Шаҳарликларга турфа гуллар етказиб бериш билан бирга, — дейди гулчилик хўжалиги мудири Ботир Исҳоқов. — Аҳолига сотиш учун 1 миллион дона чинни гул кўчати тайёрлаб қўйдик.

Т. ДУСОНОВ.

• Ҳақиқатнинг машаққатли йўли

ЮКСАК чўққилардан гувиллаб тушаётган шаршараларни кузатганмисиз. Унинг оғушида бир зум дам олиб, ҳузурланганмисиз? Дарвоқе, сўлим табиат, мусаффо ҳаво, беғубор кенглик сизни олам-олам мўъжизалар сеҳрига етаклайди. Аммо шу сония сокин елаётган шабада бирдан бўронга айланади. Момогулдирак қалдирайди. Довул тош-тўзонларни итқитади. Атрофни зулмат чулғайди. Шаршара эса бу гал инграётганга, ўз дардини, сирларини ёлвориб айтаётганга ўхшайди.

Йигирманчи асрнинг ўн йилликлари табиатнинг ана шундай ўйини билан ҳамоҳанг. Мудҳиш 30—40 йилларда минглаб, миллионлаб айбсиз кишилар иғво ва туҳмат, мунофиқлик ва разиллик қурбони бўлдилар. Тергов ва суд жараёнлари давом этаётган бир пайтда газета-журналлар саҳифалари «Қутурган итларга ўлим!», «Қабиҳ ниятлар фош этилди», «Манфур айғоқчиларга лаънат», «Шонли НКВД ишларига тасанно» сингари ҳиссиз ва баландпарвоз мақолалар билан тўлдирилди. Ҳатто «Қириб ташлансин» қабилидаги шеърлар пайдо бўларди.

Андижондаги «Пахта фронти» газетаси ҳам ана шундай йўл тутганди, албатта. Газетанинг 1937 йил сентябрь сонларида «Душманлар марҳаматсиз фош қилинсин», «Иккиюзламачи мунофиқларга большевик матбуотида ўрин йўқ», «Миллатчилар ва маиший бузуқлар тўдаси» мақолаларини эълон қилиб, Андижондаги зиёлилар, мафкура ходимлари орасидаги «халқ душманлари»ни, «миллатчилар»ни фош этишга уринди.

Газетанинг 16 сентябридаги «Андижон театрининг актив йиғилишида» мақоласида шундай сатрларни ўқиймиз. **«Ўртоқ Охунбобоев номидаги Андижон театрида бўлаётган актив мажлисининг сўнгги (4 сентябрь) куни ўтиришида халқ душманлари Исоққори Каримов, Расулжон Раҳимий ва пантуркист Салоҳ Сайфийларнинг қилмишлари яна ҳам фош қилинди. Уларнинг ҳозир эсон-омон театрда ушлаб турган шерикларининг ниқоблари йиртилди.**

Артист Асад Исматов халқ душманлари Исоққори Каримов, Султонов, Салоҳ Сайфий айниқса Расулжон Раҳимовлар билан дон бирга бўлган. Ҳатто Раҳимов ёзаётган қайси бир «асари»ни ўзи саҳнада қўймоқчи бўлиб, Раҳимов билан маслаҳатлашиб юрган.

«Миллатчи», «халқ душмани» деб аюҳаннос солинган Расулжон Раҳимийнинг ўзи ким?

Истеъдодли журналист ва ёзувчи Расулжон Раҳимий илҳом булоғи эндигина қайнаб-тошаётган бир пайтда ҳибсга олинди. У 1937 йил 13 ноябрида 10 йиллик муддатга ҳукм этилди. Расулжон Раҳимий ёруғ кунларни орзиқиб кутди, у ўзининг бегуноҳ эканлигига чин дилдан ишонса-да, тош қалбли одамлар олдида гуноҳкор эди. Умид билан яшаган Р. Раҳимий 1943 йил январида Узоқ Шарқда вафот этди.

Маҳбус Р. Раҳимий ЎзССР прокурорига йўллаган шикоятида шундай деб ёзганди: **«Мен деҳқон батрак ўғлиман, 1903 йили Қўқон шаҳрида туғилдим. 1914 йили отам вафот этди ва мен 1919 йилгача болалар уйида тарбияландим. 1919 йилдан ВЛКСМ аъзосиман ва 1920 йилдан 1922 йилгача Фарғона ВЧКси қошидаги ВЧК қўшинлари 58-эскадронида кўнгилли бўлиб хизмат қилдим. Шу жойда босмачилар бандасини тугатишда фаол қатнашдим. 1920 йилдан 1929 йилгача қатор маъмурий-хўжалик раҳбарлик лавозимларида ишладим. 1929 йили Ўзбекистон КП /б/ Марказий Комитети «Қизил Ўзбекистон» республика газетаси редакциясига ишга командировка қилиндим, қишлоқ хўжалиги, оммавий бўлимга мудирлик қилдим. 1935 йил бўйи Избоскан МТС Сиёсий бўлим газетасига масъул муҳаррирлик қилдим ва сиёсий бўлим тугатилиши муносабати билан ўша районда муҳаррир бўлиб қолдим.**

Ўзбекистон КП /б/ Марказий Комитетининг 1936 йил 8 сентябридаги қарори билан мени миллий драматург сифатида Андижон давлат драма театрига директор қилиб тайинладилар».

1924 йил 1 ноябрдаги гувоҳномада Р. Раҳимов Қўқон Эски шаҳар комсомол комитети аъзоси ва сиёсий маориф бўлими мудири эканлиги кўрсатилган. У Қўқон уездида ер-сув ислоҳотини ўтказишга ҳам фаол қатнашди. Ер-сув ислоҳоти ўтказиш бўйича Ўзбекистон комиссияси 1926 йил 6 февралдаги қарори билан Р. Раҳимовга 1925—1926 йилардаги ер ислоҳотини мустаҳкамлашдаги иши, сафарбар қилган кучи, юксак интизоми ва фаоллиги учун раҳматнома берганди. Р. Раҳимов 1926—27 ўқув йилида қисқартирилган турдаги сиёсий савод чиқариш мактабини битиришга муваффақ бўлди.

Партия 1929 йилда уни «Қизил Ўзбекистон» газетасида ишлашга юборди. У бу катта даргоҳда беш йил ишлади. Архив маълумотларига қараганда, у дастлаб газетанинг текширув-қидирув бюросига бошчилик қилиб, жуда кўп жойларда бўлар, меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларини текшириб ҳал қилар эди.

1930 йил мартида Расулжон Раҳимов Самарқанд округидан завод ва фабрикаларда бўлиб, ишчи мухбирлари ва деворий газеталар ташкил этади.

«Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррири В. Раҳимий 1930 йил 7 апрелда Расулжон Раҳимовни «Қизил Ўзбекистон», «Ўзбекистанская правда» кўчма редакцияларининг аъзоси сифатида Бухорога командировкага юборган.

1931 йил 10 январидан «Қизил Ўзбекистон» редакцияси кўчма мухбири Р. Раҳимов собиқ Андижон округига ана шу газетанинг мухбири сифатида келади ва Андижон шаҳар-район газетаси «Пахта фронти»га ёрдам бера бошлайди. Тез орада у «Пахта фронти» газетаси масъул муҳаррирлигига тайинланади. Айни вақтда у ТАССнинг ва «Правда» газетасининг Ўрта Осиё бўлимининг мухбири ҳам эди. Расулжон Раҳимов Андижонда ишлар экан, Москва журналистика институти ҳузурида очилган республика ва область газета ходимларини қайта тайёрлаш уч ойлик курсини ҳам битиради.

Ҳозиржавоб, сиёсий етук журналист Р. Раҳимов Ўзбекистон, жумладан Андижондаги янги ҳаёт учун бўлган кураш ва меҳнат, социалистик янгиликлар, ўтмиш сарқитларининг таназзули ҳақида ажойиб публицистик мақолалар билан чиқиб турарди.

Биргина 1931 йилнинг июль ойида «Қизил Ўзбекистон» саҳифаларида унинг тўққизта мақоласи босилганди. Давр руҳини яққол тасвирлаган «Ойим большевиклари, бўш келмангиз», «Мамлакат ўз қаҳрамонларини билсин», «Зарбали гектарлар», «Транспорт изида большевикларча кураширб, уни илгари юборишимиз керак», «Куричкин синфий кураш позициясида», «Темир билаклар рўзғори» каби мақолалар Р. Раҳимов қаламига мансубдир.

У танқидий мақолаларни алоҳида эҳтирос билан ёзарди. Унинг «Қизил Ўзбекистон» газетаси саҳифаларида босилган «Ойим, Ворошилов, Косонсой, Янгиқўрғон районлари пилла тайёрлашда оқсоқ», «Андижон районлари бўшашмангиз!», «Бригадирлар ўз ишларининг натижаси учун кураш олиб боришлари керак», «Қолоқликка зарба бериб, йиғимнинг тез суръатини таъминлайлик» сарлавҳали танқидий мақолаларида давр нафаси акс эттирилган.

Расулжон Раҳимовнинг «Онтариш», «Хоин» драмалари 30-йилларда Андижон ва Ўш театрларида муваффақият билан қўйилган, томошабинлар олқишига сазовор бўлган. «Онтариш» драмаси 1933 йилда Ўзбекистон давлат нашриёти томонидан чоп этилганди. Ёзувчи Комил Яшин шу кунларда бу асарларни қайта нашр этиш юзасидан иш олиб бораётир.

«УМИД БИЛАН ЯШАЙМАН»



РАСУЛЖОН Раҳимий Ўзбекистон пролетар ёзувчилари уюшмаси ташкил топган 1932 йилдан бошлаб драма ва танқид секциясининг аъзоси эканлигини тасдиқловчи уюшманинг бош котиби Хусайн Шамс имзо чеккан гувоҳнома ҳам бор. Расулжон Раҳимовнинг садоқатли рафиқаси Раҳбархон 30-йилларда Москва медицина техникумини битириб, халқ саломатлигини сақлаш йўлида катта заҳмат чекканлардан. 1937 йил 21 августида турмуш ўртоғини ҳибсга олган пайтни ая шундай хотирлайди. **«Ўша мудҳиш 21 август куни, бизнинг яқин қариндошлардан 6 киши қамоққа олинди. Амаким Усмонхон Эшонхўжаевни Москвада, турмуш ўртоғим Расулжон Раҳимовни Андижонда ўз уйимизда, тоғам Шоҳрух Ҳолботировни Самарқандда, тоғам Султонмаҳмуд Холботиров, амаким Маматхон Эшонхўжаевларни Андижонда НКВД ходимлари ҳибсга олдилар».** Ўшанда Р. Раҳимов 34 ёшга тўлганди. Расулжон Раҳимов юқори органларга она юртидан олисда ёзган шикоят ва аризаларида унга қўйилган асоссиз «айб»ларни қатъий далиллар билан инкор этади.

Терговчи Войлошников Р. Раҳимовни халқ душманлари Горбунов ва Қориевнинг топшириғи билан икки миллий театрни бир театрга бирлаштириб, санъатда партия сиёсатига зид иш қилиб, аксилинқилобий сиёсат олиб борганликда айблайди. Ўз-ўзидан равшанки, бу масалада унга қўйилган айблар асоссиздир. Аммо бу ҳам терговчи Войлошниковни ҳамда Р. Раҳимовнинг «сиртқи судьяларини» таажжубга сололмади. Тергов жараёнини маҳбус Р. Раҳимов шундай тасвирлаганди: **«17 сутка мени (тик турган ҳолда) терговда узлуксиз сўроқ қилишди. Каримов ва бошқа душманларимнинг ҳақиқий ёлғон ва ашаддий бўҳтонларини имзолашга мажбур қилишди. Мен ақлдан озган одам ҳолатига, ҳушдан кетиш ҳолатига келтирилдим, носоғлом фикрловчи кишига (мен мавжудот деб айтардим) аллақачон айлангандим. Мен энди калтаклашга қарши кураша олмасдим, қаршилик кўрсатиш учун мендаги бутун иродам руҳан тушиб кетганди, менда мана шу 4 деворли аблаҳ тергов хонасидан чиқиб кетишдан иборат бирдан бир фикргина бор эди. Шундай шиддатли, ҳаяжонли фикрлаш чоғида терговчи Войлошников мендан имзо олди. Шундай қилиб, ҳақиқий душманлар — Каримов, Султонов ва бошқалар билан бир купеда қолдим. Терговчи Войлошников мени ҳам уддалай олди.**

Нима учун ва нима сабабдан шундай золимона адолатсизлик юз берди? Мен сизга чиндан айтаманки, Ватаним ва партия олдида ва бирор кимса олдида ҳеч қандай гуноҳим йўқ.

Ёркин — қувончли ҳаётга мен, Раҳимов, Совет ҳокимияти ва партиянинг мен тўғримдаги ғамхўрлиги туфайли эришдим ва мен ўзимнинг бутун жисмоний кучимни, интеллектуал фикримни партияга хизмат қилиш ишига сафарбар қилдим. Мана, энди-чи, халқ душманлари сунъий тарзда мени халқ душмани қилишди. Менинг ўзим органик равишда нафратланган контрреволюционер деган аблаҳ номни менга осиб қўйдилар. Мен яна бир бор сўрайман, нима учун? Ахир, қаерда қолди ҳаққоний социалистик адлия?

Социалистик адлия терговчи Войлошников типидаги кишиларда ифодаланиши мумкин эмас-ку, ахир? Кўриб турибсиз-ку, менга қўйилган 3 айбдан бирортаси ҳам ватан ва партия олдидаги менинг жиноятимни асосли исботлай олмайди.

Мана, тўртинчи йилдирки, шафқатсиз қийноқ, маънавий азоб давом этмоқда ва мен ҳеч қандай чин адолатни топа олмаётибман. Мен аллақачон НКВД халқ комиссарлигига ва СССР прокурори номига, шунингдек СССР Олий Совети Президиумига шикоятлар ёзиб юборганман. Шундан бери орадан бир йилча ўтди. Шикоятлар қайта кўриб чиқиш учун сизда турибди, Сиз гражданин прокурор 1939 йилнинг декабрь ойида менга жавоб қилиб, менинг шикоятларим Сиздалиги, жавобни кутишимни ёзган эдингиз, аммо мен ҳозирга қадар сиздан ҳеч қандай жавоб олганимча йўқ.

Менинг шикоятимга муносиб эътибор берсангиз, ҳукм этилганлигим фактидан иборат бу шафқатсиз, адолатсизликни ҳал этишингизни ўтиниб сўраяпман. Бизнинг воқелигимизда тирик мурда бўлгандан кўра ўлган яхшироқдир.

Маҳбус: Расулжон Раҳимов, имзо».

Расулжон Раҳимовга озми-кўпми хайрихоҳлик билдирган, тергов чоғида у ҳақда тўғри фикр билдирган гувоҳлар у билан суҳбатдош, фикрдош бўлганлар ҳам ноҳақдан жабрланганлар. Айрим масъул раҳбар кадрларга ҳам «халқ дўшмани» ёрлиғи ёпиштирилганди.

АНДИЖОН шаҳар партия комитети бюроси 1937 йил 20 сентябрдаги «Партия аъзоси Ваҳобов тўғрисидаги» масалани кўради. Мадамин Ваҳобов шаҳар партия комитети маданий-пропаганда бўлими мудири бўлиб ишлаганида ва кейинчалик ҳам «халқ душманлари — миллатчилар (Исоққори Каримов, Ҳожиакбар Мўминов, Расулжон Раҳимов ва бошқалар) билан яқиндан алоқада бўлгани, уларга ҳомийлик қилгани ва уларни турли йўллар билан маданий фронтнинг масъул участкаларига ўрнаштиргани, миллатчиларни театрдаги қўпорувчилик фаолиятини, спектакллар орқали миллатчилик идеологиясини тарғиб қилганликларини яширганлиги учун» партия сафидан чиқарилган ва репрессия этилганди.

Шаҳар халқ маорифи бўлими мудири, Андижон кечки пединститути директори Жалил Баротов шаҳар партия комитети бюросининг 1937 йил 25 октябридаги қарори билан партия сафидан чиқарилди. Унга қўйилган айблардан бири «гўё у Исомитдинов билан биргаликда халқ душманлари «гули» ҳисобланган Мадамин Ваҳобий, Исоққори Каримов Расулжон Раҳимовларнинг аксилинқилобий кенгашида бирга бўлганлиги» эди. Бунга асос қилиб мухбир Наби Юсуповнинг «Қизил Ўзбекистон»да босилган, Расулжон Раҳимовнинг «халқ душмани» эканлигини исботлашга уринилган мақоласи олинганди.

Андижон шаҳар партия комитетининг бюроси 1937 йил 31 октябрда Андижон район ижроқўми раиси Норқул Тешабоев, йўлчибоев, Расулжон Раҳимовни ўз ҳимоясига олгани, халқ душманлари Арслонбеков (шаҳар партия комитетининг собиқ биринчи котиби) Манжара билан алоқа қилгани ва шунга ўхшаш «айблари» учун партия сафидан чиқаради, унинг ижроқўм раислиги лавозимидан бўшатишни Ўзбекистон КП /б/ Марказқўми ва ЎзССР Марказижроқўмидан сўрашга қарор қилади.

Катта қалб эгаси Р. Раҳимов ҳаётни бениҳоя севарди, келажакка доим ишонарди, қачонлардир адолат рўёбга чиқишига ишончи комил эди.

Унинг бу ўринда рафиқаси Раҳбархонга ёзган хати диққатга сазовордир: **«Қимматли рафиқам! Сизга соғинчли саломларни қўндириш сўнгида айрилиқ азоби орқада қолиб, севинчли кунларнинг тез етувини ва дийдор кўришувни тилайман.**

Мени ёнингиздан олиб кетган вақти эрталаб бўлиб, устингизда қизил кўйлак бор эди, катта кўча устида туриб «қачон келасиз» деганингизда НКВД ходими соат 12 ларда келади, деб айтиб эди. Олиб кетувчилар бугун улар айтган 12 нинг нечаси ўтиб кетди. 4 йилдирки Сиздан, кўзим нури қизимдан йироқдаман. Ахир, бу кунлар қанча оғир ва мудҳиш бўлмасин, кўз ўнгимдан бир минут нари кетмайсизлар. Менга қараб «Қачон келасиз?» деган сўзингиз ҳозиргина айтилгандай қулоғимга товуш бериб турар.

Раҳбар, мен маънавий жиҳатдан ўлик ва руҳий тарафдан соғлиғини йўқотган, қолаверса ҳамма нарсадан жудо бўлган, айниқса Ўзбекистоннинг неча қизлари ичидан саралаб зўрға топган севикли йўлдошим, Сиз, Раҳбаройдан ҳам жудо ҳолда яшайман. Билсангиз, бу мен учун осон бўлмас. Аммо бир нарса, у ҳам бўлса ҳукумат адолат қилар. Ишим текширилар. Шу кутаётганлар қаторида Ватаним га қайтармаң. Мана шу умид мени ушлаб туради, шу умид билан яшайман. Шу тилак юракда буюк армон бўлиб ётар. Аммо сиз ортда қолган хоним эмассиз, маданий, тарбияли, маълумотлисиз. Сиз шуни ҳам яхши билингки, бу нарса ўз-ўзидан бўлмас, ҳаракат керак, ё шундай эмасми? Ҳозирги ҳаётингизни кўзим билан кўрмасам ҳам яхши ҳис қиламанки, ёлғизсиз. Унинг устига болалар ва рўзғор ташвиши, хизмат шароити ва бир мунча қулайсизликлар бор. Тўғри, аммо шулар билан бир қаторда тўлиқ имкониятлар ҳам бор. У ҳам бўлса, керакли жойларга учраш ва ариза билан мурожаат қилиш ва ҳоказолардир... Мен янгидан ВКП(б) ва Андреевга, СССР Олий Советига ариза юбордим. Илгари берган аризаларим ҳам Тошкент прокурорида ётар. Бу аризалар ҳам ўшанга боришига ишонаман, иш силжир ва текшириш бўлар. Бу тўғрида ўзингизнинг маслаҳатингизга кўра Ойимнисога хат ёзувдим, улар ҳам ҳаракатда эмиш. Баъзи ҳужжатларни берган экансиз, Бурхонов уни Қўқонга юборипти. Бундан ташқари Содиқов деган бир киши — райком секретари Москвага ариза ёзувди, қутилиб кетди. Унинг адреси (Тошкент, Сталин район, Маданият маҳалла, уй №27, Каримжон Содиқов). Тошкентга бориб, вокзалдан 11 трамвайга ўтириб Баланд масчитда тушиб, ўн қадам илгари бориб чап қўлга қараб бурилиб, тор кўчага юрилса, унинг уйига кирилади. У кишига ҳам Сизнинг адресингизни бердим. Салимжонга хат ёздим. У киши Тошкентга, Олий Советга менинг аризамни бериб ҳаракат қилади. Шу одамга ёрдам берасиз. 26 июлда юборган, посилкангиз 5 декабрда келди. Олиб хурсанд бўлдим. Сизга ва Бурхоновга кўп раҳмат. Шу посилка ичидан мактубингиз чиқди, ўқидим...

...Ишқилиб менн, жоним, бало зиндонидан қутқаришга ҳаракат қилинг. Иш айланиб бориб Андижонни ўзида область прокурорида ҳал бўлажак. Буни Сизга олдиндан тушунтириб қўяй. Қўқондагиларни ҳам хат ёзиб қистаб туринг ва ўзингиз ҳар беш кунда хат ёзишни виждоний вазифангиз қилиб иш планингизга киритинг. Бурхоновга айтинг, акасига хат ёзиб ҳалиги адрес бўйича К. Содиқовга учраб нима иш қилаётганини суриштириб, унга керак ёрдамларни ташкил қилсин. Умуман, ўзларинг шу тўғрида фикрлашиб бир маслаҳатга келарсизлар. Бурхонов ёки ўзингиз бир борсанглар яхшироқ бўлар эди. Борган вақтда мен айтган ҳужжатларни Андижондан олиб кетиш зарур. Бурхонжон ва аяларимга кўп салом. Сиздан хат кутаман. Менга арзон баҳо шим, қўйлак ва 50 сўм пул, ёғ керак. Юборасизми, хоним. Ҳурмат билан Сизнинг умр йўлдошингиз».

УМР йўлдошига соф муҳаббатли, юксак эътиқодли Раҳбархон ая репрессия қурбони — Расулжон Раҳимов номини халқимизга қайтариш учун қўлидан келган барча ҳаракатларни қилди. Узоқ йиллар тегишли жойларга мурожаат этди. Бу ўз самарасини берди, албатта. Андижон область суди президиуми 1959 йил 6 июнда бу ишни кўриб чиқиб, учлик қарорини бекор этди. Расулжон Раҳимов тўла оқланди.

Андижон область партия комитети бюросининг қарори билан Р. Раҳимов вафотидан сўнг КПСС сафига тикланди. Унинг рафиқаси Раҳбархон опа Раҳимовага шахсий пенсия тайинланган. Аммо эндиликда ҳақсизлик қурбони Р. Раҳимов хотирасини абадийлаштиришдек хайрли иш турибди.

Йиллар мобайнида йўл қараб умид билан яшаган Раҳбархон ая бу ишга ҳам бош-қош. Ая Расулжон ҳалок бўлган узоқ юртга бориб, хотира тупроғини келтириш, Андижондаги қардошлик қабристонига умр йўлдошининг рамзий қабрини тиклаш, ёдгорлик ўрнатиш ташвишлари билан банд.

Рустам ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
Мирзакарим ПИРМАТОВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг

Ш. А. АЛИМОВ НОМИДАГИ ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

— фтизиатрия бўйича кундузги ва СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА;

— фтизиатрия (2) ва пульмонология (2) бўйича КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатларни топшириш муддати:

— **аспирантурага** — 1990 йил **1 июнгача;**

— **клиник ординатурага** — 1990 йил **1 августгача.**

Мурожаат қилиш учун адрес: Тошкент шаҳри, Алимов кўчаси, 1-уй, илмий бўлим. Телефон 78-07-30.

Корхоналар ва кооперативларнинг раҳбарлари диққатига!
«Ташстройтранс»нинг

АВТОРЕМОНТ ЗАВОДИ

барча модификациядаги «МАЗ» автомобиллари, «ЗИЛ-130», «ЯМЗ-238» автомобилларининг двигателларини,

шунингдек, «МАЗ-500», ва «ЗИЛ-130» автомашиналарининг агрегатларини, «КПП-МАЗ» дан ташқари, чекланмаган миқдорда

капитал ва капитал-жорий ремонт қилиш учун

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Манзилимиз: 700032, Тошкент шаҳри, 32-алоқа бўлими, Складская кўчаси, 2-уй.

Телефонлар: 62-76-94, 62-76-96, 62-76-98.

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР ВА КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ КОМБИНАТИ

200 тонна юзаси сирланган иморат плиткаларини

СОТАДИ

Баҳоси келишиб олинади. Комбинат адреси: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 2-проезд, 2-уй. Телефон 53-57-17.

«УЗГИДРОСЕЛЬХОЗВОДСНАБЖЕНИЕ» ИНСТИТУТИ

Боғдорчилик-узумчилик ўртоқлик ширкатлари учун ва алоҳида кишилардан сув таъминоти лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Институт адреси: Тошкент шаҳри, Фёдоров кўчаси, 1-уй.

Телефонлар: 35-81-24, 35-82-22.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/III да **Концерт.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/III да **Келинлар қўзғолони** (19.00), 8/III да **Тақдир эшиги** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/III да **Гул ва Наврўз** (19.00), 8/III да **Табассум оқшоми** (19.00).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/III да **Майсаранинг иши** (16.00, 19.00 билетлар сотилган), 8/III да **Отасининг қизи** (12, 16, 19.00, билетлар сотилган).

МАҲАЛЛА ҲАВАСКОРЛАРИ

Наманган шаҳридаги «Ударник» маҳалла комитети қошида, бир неча йилдирки, бадиий ҳаваскорлик тўгараги мунтазам ишлаб турибди. Жамоатчилик асосида иш олиб бораётган мазкур тўгаракда ёшлар ўзбек миллий чолғу асбобларидан фойдаланиш, куй ва қўшиқлар ўрганиш ва қўшиқларни куйга солиш сирларини зўр иштиёқ билан эгаллашяпти.

Тўгаракда 28 нафар ёш дутор, тор ва доира чалиш, мусиқа билан ҳамоҳанг куйлашни ҳамда турли хил миллий рақсларни маҳорат билан ижро этишни ўзлаштиряпти. Тўгаракка Маҳмуджон Қаҳҳоров раҳбарлик қилмоқда. У кўпгина лаёқатли ёшларда санъатга бўлган иштиёқни янада ошириш йўлида жонбозлик кўрсатаётир.

Суратда: Маҳмуджон Қаҳҳоров ва ҳаваскор ёшлар.

П. АКБАРОВ сурати.



СПОРТ

ҚИТЪА ЧЕМПИОНЛАРИ

● Глазго шаҳрида ўтказилган Европа чемпионатида совет енгил атлетикачилари муваффақиятли куч синашдилар. Улар жами 16 та медаль жамғаришди. Шундан 8 таси олтин, 5 таси кумуш, 3 таси бронза медали эди. 10 тадан медаль тўплаган ГФР ва ГДР енгил атлетикачилари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди. Терма командамизнинг бу муваффақиятига ўзбекистонлик спортчилар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Чунончи, лангар билан сакраш устаси Радион Гатаулин 580 сантиметрли маррани эгаллаб қитъа чемпиони бўлди. Яна бир вакилимиз Марина Шмонина эса 400 метрга югуришда 51,22 секундли натижа билан ғалаба қозонди.

УРИНБОСАРЛАР КУРИГИ

● Киев областининг Бровари шаҳрида олимпиада ўринбосарлари ўқув юртлари ўртасида Бутуниттифоқ мусобақаси ўтказилди. Ўринбосарлар кўригига айланган мусобақада тошкентлик А. Патоцкий узунликка сакрашда 7 метр 74 сантиметрлик натижа билан муваффақият қозонди. Унинг ҳамшаҳри Е. Монетакова 800 ва 1500 метрга югуришда биринчи бўлди.

ДАСТЛАБКИ ҲИСОБЛАР

● Олий лига футбол командалари мамлакат чемпионатининг дастлабки тур учрашувларини якунлашди: «Арарат» — «Спартак» — 1:3, «Памир» — «Динамо» (К) — 1:1 «Черноморец» — «Динамо» (Мн) — 3:1, «Динамо» (М) — «Торпедо» — 1:2.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Агросаноат комплекси ходимлари касаба союзи республика комитети жамоаси меҳнатни муҳофаза қилиш марказий комитети инспектори И. И. Иброҳимовга онаси

Маҳбуба ИБРОҲИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат дорилфунуни ректорати, фирқа ва касаба уюшмаси қўмиталари, уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши, гуманитар факультетлар, КПСС тарихи кафедраси коллективи, мазкур кафедра профессори, тарих фанлари доктори, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

Аҳмаджон ҚЎҚОНБОЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 02137. № 56. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12